

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Гулистон давлат университети
Ўзбекистон Республикаси “Тарихчилар жамияти”
Сирдарё вилояти бўлими**



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАРИХИ

Гулистон – 2010 йил

Сирдарё вилояти тарихи. Тузувчилар жамоаси: Ў.С.Эрбўтаева, И.Баратов, У.Алибеков, Ш.Бектурдиев. Гулистон, 2010. – 43 бет.

Мазкур рисолада Сирдарё вилоятининг қадимги даврдан то бугунги кунгача тарихи қисқача баён қилинган. Рисола вилоятимиз тарихи билан қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган. Шунингдек, рисоладан ўқув қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазаева
тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқов
тарих фанлари номзоди доцент С.С.Қудратов**

**Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор Ҳ.Мирҳайдаров**

©ГулДУ

К И Р И Ш

«Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман».

И. КАРИМОВ

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан миллий давлатчилигимиз тарихини, бой маданий меросимизни чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга бўлди. Президентимиз И.А.Каримов: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлларимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналаримизни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак» дея таъкидлайдилар¹. 1998 йилда чоп этилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ўзбек миллати ҳеч қачон кўчманчи халқ бўлган эмас, аксинча, шу заминнинг тагли-тугли, қадимдан суғорма деҳқончилик ва сертармоқ ҳунармандчилик билан савдо-сотиқ ишлари билан мунтазам шуғулланиб келган ўтроқ халқ эканлигини таъкидлайдилар. Миллий тарихимизга янгича ёндашиб, тарих фанининг янгича йўналишларини белгилаб, уни асл манбалар асосида ёритиб чуқур таҳлил қилиш вазифаларини юкладилар².

Ўзбекистон тарихини манбалар асосида ҳолисона, ҳаққоний ёритишга ёш авлодни давлатчилик, моддий-маънавий маданиятимиз тарихи билан ватанпарвар – комил инсонлар даражасига етказиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори т.ф.д профессор Д.А.Алимова раҳбарлигида ўтказилаётган «Академик Яҳё Ғуломов номидаги Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи Республика илмий семинари»нинг аҳамияти беқиёсдир. Навбатдаги илмий семинарнинг 52-йиғилиши, «Уструшона буюк ипак йўли чорраҳасида» мавзусида ўтказилиши Сирдарё воҳаси тарихи ўрганилиши, таҳлилида, Уструшонанинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1995. 176-бет

² Каримов.И.А Маънавий юксалиш йўлида. Т.,1998.437-441 бетлар

1-§. Сирдарё вилояти тарихининг манбаларда акс этиши ва ҳудуддаги қадимги. шаҳарсозликнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихи

Сирдарё вилояти ҳудуди ўрта асрларда шимолий Уструшона таркибига кирган. Ҳудуднинг катта қисми чўл бўлса-да, у ерда работлар, карвонсаройлар, тоғ олди ҳудудларида эса ўрта асрларда бир қатор қалъа-қўрғонлар, шаҳарлар қад ростлаган. Илк ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар кам учрайди. Хитой солномаларидаги маълумотлар кўпинча географик жиҳатдан тавсиф бериш билан чегараланади. Марказий Осиёни VII аср бошларида кезиб юрган Сюань Цзаннинг ёзишича, Уструшона подшоҳлари туркларга қарам бўлганлар. Нумизматик ашёвий далилларда бу подшоҳларнинг номлари Чирдмиш, Сатачари, Раханч деб келтирилган.

Уструшонанинг ўрта асрлар тарихи ва тарихий географиясига оид маълумотлар араб тилидаги ёзма манбаларида мавжуддир. Уларда айтилишича, ўлка ҳудуди Хўжанддан Самарқандгача, Сирдарё дарёсидан ва Мирзачўлдан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган.

Истахрий (X аср) маълумотида кўра, Уструшона ҳудудида «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ...Уструшона чегаралари: ғарбдан – Самарқанд чегаралари; шимолдан – Шош ва Фарғонанинг ғарбий қисми; жанубдан – Кешнинг шарқий қисми, Чағониён, Шуман, Вашжирд ва Рашт; шарқдан – Фарғонанинг ғарбий қисми» билан чегараланган. Ибн Ҳавқал (X аср) Уструшонада Арсианикет, Куркет, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дизак, Нужикат, Харакана ва Бунжикат шаҳарлари бўлганлигини келтиради. Ҳавқалнинг ёзишича, Уструшона аҳолиси асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланган. Ҳунармандчилик ҳам ривож топган бўлиб, жумладан, Минк ва Марсмандада ишлаб чиқарилган темир буюмлари Хуросонда ҳам ишлатилган.

Истахрий ва ибн Ҳавқалларнинг маълумот беришларича, Уструшона пойтахти Бунжикат бир фарсах доирасида (6-8 км) бўлган. Уйлар ва бошқа иморатлар пахса ва ёғочдан қурилган. Шаҳар икки қатор девор билан ўралган. Шаҳарда саройлар, уй-жойлар, боғлар, узумзорлар, масжид ва қамоқхона бўлган. Шаҳар деворида тўртта дарвоза бўлиб, Зомин, Марсманда, Нужакет ва Кахлобод йўналишида бўлган.

Иккинчи йирик шаҳар Зомин бўлиб, Фарғонадан Сўғдга олиб борадиган катта йўл бўйида жойлашган. Араб сайёҳи ибн Ҳавқал унинг номи Сарсанда бўлганини, у бориб кўрган пайтда, эски шаҳар харобага айланганини, бозор ва масжид эса янги шаҳарга ўтказилганлигини ёзади. Ўрта аср манбаларида Зоминдан кейин Дизак тилга олинади. Ўрта асрларда Дизак Фекнан рустоқининг маркази бўлиб, аҳолиси кўп эди. Унинг работлари ва жундан тайёрланган кийимлари машҳур бўлган.

Ўрта аср Уструшонасидаги бошқарув тизим ҳақида араб муаррихи Хилол ас-Сабий халифа ал-Муътасим биллоҳ «Ҳайдар бин Қовусни ал-афшин

лақаби билан нишонлади, чунки у уструшоналик бўлган, ал-афшин эса уларнинг тилида «подшоҳ» демакдир», деган маълумот келтиради.

Уструшонанинг Буюк Ипак йўлида муҳим ўрин тутганини ҳам манбалардаги маълумотлардан кўриш мумкин. Араб географлари томонидан Сирдарё вилоятидаги иккита манзилгоҳ тилга олинади. Булар Сабат ва Ховосдир. Сабат ўша номдаги рустокнинг маркази бўлган. Ибн Хурдодбех маълумотига кўра, у Зоминдан икки фарсах нарироқда, Истахрий ёзишича эса – уч фарсах нарида жойлашган. Истахрий, Ҳавкал, Ёқут Сабатни Уструшона шаҳарларидан бири дейишса, Муқаддасий ва Қудамий уни катта қишлоқ бўлган деб ҳисоблашади. «Уструшонанинг бош шаҳри (Бунжикат) ва Сабат оралиғи...уч фарсах» булганини Истахрий келтиради. Араб манбаларида ёзилишича, Сабатдан катта ариқ оқиб ўтган, уни боғлар ўраб турган. Усти ёпиқ бозорлари бўлган.

Ўрта аср манбаларида тилга олинган яна бир манзилгоҳ Ховосдир. Ховос ҳам ўша номдаги рустокнинг маркази бўлган бўлса-да, манбаларда фақат карвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олинади. Хусусан Ибн Ҳавкал Ховос йўли ҳақида: «Агарда ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўлидан бормоқчи бўлса, унинг йўлида Қуркат учрайди», “Ховосдан аш-Шош дарёси қирғоғигача 9 фарсах, сўнгра кўприкдан Банокатга ўтилади”, деб тилга олган. Бу йўл Қудамия томонидан ҳам тавсифлаб, “Ховосдан Шош дарёсигача 5 фарсах, кейин кўприк бўлади. Бу тўхташ жойидан...Банокатгача 14 фарсах”, деб келтиради. Ховоснинг шаҳар бўлмаганлиги учун манбаларда кўп тилга олинмайди. XIII аср муаррихи Ёқут «Ховос – Уструшонадаги қишлоқ», дейди.

Шу тариқа ўрта аср ёзма манбаларида маълумотларнинг камлиги шуни кўрсатадики, муаллифлар Хитойнинг Фарғона орқали Ўрта Осиёдаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент сингари йирик шаҳарлар билан боғлаб турувчи Буюк Ипак йўлидаги катта шаҳарларни батафсил тавсифлаб беришга катта эътибор бериб, карвон йўлларида учраган бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳақида кам тўхталиб ўтганлар.

Археология мустақил фан бўлса-да, доимо тарих фани хизматида бўлади. Қадимги, антик ва ўрта асрлар тарихини мукаммал билиш учун археологик изланишлар натижалари билан танишиш керак бўлади. Қадимги ва ўрта асрлар тарихига оид маълумотларнинг анча қисми археолог олимларнинг мураккаб фаолиятининг натижасидир, десак муболаға бўлмайди.

1984 йилдан бошлаб вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Сирдарё отряди ишлаган. Унга археолог А.А.Грицина раҳбарлик қилган бўлиб, бир қатор йиллар мобайнида чўл ҳудудлари, тоғ олди водийларини ўрганди, Ховос, Сабат, Зоминда археологик қазилмалар олиб борди. 1992 йилда А.А.Грицинанинг «Сирдарё вилоятидаги археологик ёдгорликлар» номли монографияси чоп

этилди.¹ Унда минтақанинг антик, ўрта асрлар даври тарихига оид манбалар, афсоналар, археологик изланишлар натижасида аниқланган ёдгорликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, Гулистон давлат университети Сирдарё вилоятидаги ягона олий ўқув юрти бўлиб, тарих йўналиши дастурига махсус курс сифатида воҳа тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Умумкасбий фанлар блокидаги Талаба танлови бўйича ўқитиладиган фанлар таркибига (3.16.07) Ўлка моддий маданияти тарихи курси киритилган. Бу борада, фикримизча, айнан археолог олим А.А. Грицинанинг монографияси қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу китобни ўзбек тилига таржима қилиш керак, деб ўйлаймиз. Китобда Шимолий Уструшонанинг тарихий-археологик очерки баён қилинган бўлиб, Сирдарё вилоятининг археологик харитаси, Шимолий Уструшона тарихининг манбаларда ёритилиши акс эттирилган.

«Сирдарё вилоятидаги археологик ёдгорликлар» монографиясида А.А.Грицина ёдгорликларни топографик жиҳатдан иккита – шимоли-шарқий (Сирдарёбўйи) ва жануби-ғарбий (чўл ва тоғ олди) зоналарига бўлиб ўрганади. Биринчи зонада Мирзачўлдаги ёдгорликлар киритилган бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан Тошкент минтақасига боғланган эди, маълум тарихий босқичларда эса Чоч таркибига кирган. Иккинчи зона – Уструшонага оид бўлиб, улар минтақадаги йирик сув манбаларига боғланган Шўрбулоқсой, Хўжамушкентсой, Мўғолсой, Тағобсой ва Сармичсой гуруҳларига бўлиб ўрганилган. Ҳар бир гуруҳда шахристон ёки йирик манзилгоҳ бўлиб, у маълум бир рустокнинг маркази бўлган ва унинг атрофида майда манзилгоҳлар жойлашган эди.

А.А.Грицина Сирдарё гуруҳига оид 11 та, Шўрбулоқсой гуруҳига оид 16 та, Хўжамушкентсой гуруҳига оид 48 та, Мўғолсой гуруҳига оид 9 та, Тағобсой гуруҳига оид 30 та, Сармичсой гуруҳига оид 8 та ёдгорликлар ва бир қатор кўрғонларни археологик ва топографик жиҳатдан қисқача тавсифлаб берган. Умуман олганда, А.А.Грицинанинг китобида келтирилган маълумотлар Сирдарё вилояти ҳудудидаги ёдгорликлар ҳақида маълумотларнинг дастлабки мажмуи деса бўлади. А.А.Грицина томонидан тилга олинган ёдгорликларни ўрганиш, археология ишини ўрганиб, бўлғуси археологик тадқиқот ишларида иштирок этишни, вилоят ҳудудида мавжуд ёдгорликларни асраб-авайлашни йўлга қўйишни ташкил этиш лозим, деб ўйлаймиз

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.:Фан, 1992. 68 б.

2-§. Сирдарё Буюк Ипак йўли чоррахасида

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик, давлат суверенитетини кўлга киритиши билан ўлкамиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишда янги имкониятлар яралди, ўтмиш тарихимизни, аجدодларимиз яратган маданиятни тадқиқ этиш имкони туғилди. Маълумки, мустабид тузум даврида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши шўролар даври, партия раҳнамолиги билан боғлаб келинди. Аслида Мирзачўл атрофида антик даврлардан ўтроқ ҳаёт шаклланиб, урбанистик жараёнлар шаклланди.

Мирзачўл урбанизация жараёнларининг ривожланишида юнон-македонлар талофати таъсирининг сусайиши ва Буюк Ипак йўли муҳим аҳамият касб этди. Мил.ав. II асрда Хитойни Фарғона водийси билан боғловчи савдо йўли Уструшона давлатига қарашли бўлган Мирзачўлнинг жанубий қисмидан ўтиб, Самарқанд шаҳрига борган. Қадимги Мирзачўл ҳудудидаги шаҳарлар жанубида алоқа-савдо йўллари бўйлаб жойлашган бўлиб, уларнинг ривожини алоқа-коммуникация тизими ривожига мос равишда борган. Буни биз Хўжанд – Жиззах йўналишида илк ўрта асрларда йирик савдо ва ишлаб чиқариш марказлари бўлган Сават, Жиззах, Ховос, Куркат, Бунжикат каби шаҳарлар мисолида кўришимиз мумкин. Шу тариқа Ўрта Сирдарё ҳавзасида янги давлатчилик бошқаруви вужудга келди.

Милоддан аввалги II ва милодий IV асрларда қанғарлар ҳукмронлиги даврида Мирзачўлнинг атрофи ва тоғ олди ҳавзаларида маҳаллий аҳоли ва кўчманчи чорвадорларнинг ўтроқлашуви ҳисобига аҳоли кўпайиб боради. Илк ўрта аср шаҳарлари – уларнинг атрофидаги қалъа-қўрғонлар ҳисобига ўсди. Бунда Буюк Ипак йўли савдоси муҳим ўрин тутган.

Сомонийлар давридаги сиёсий мўътадиллик, иқтисодий ривожланиш сабабли Мирзачўл шаҳарсозлиги ривожланиб борди. Буюк Ипак йўли ўтган ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилиб, карвонсарой, қалъа-қўрғон ва шаҳарларда аҳоли ўтроқлаша бошлади.

Нурота (Хушкат) IX-XI асрларга оид ёдгорлик, Сайхунобод тумани, Шоликор жамоа хўжалиги ҳудудида, Сирдарё бўйида жойлашган. Шаҳар ҳудудида 40-45 гектарни ташкил этган, ўзлаштириш даврида бир қисми экин экиладиган ерларга қўшиб юборилган, бир қисми устида замонавий қишлоқ жойлашган, қолган 7,5 гектари эса қабристон учун ажратилган.

Мазкур шаҳар IX аср охирида, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Бинокент шаҳрига карвонлар ўтувчи, қўрғон қўналға сифатида вужудга келган. Бу ердаги ҳаёт то XI аср биринчи ярмига қадар давом этган. Иккинчи шаҳар ҳаётининг ривожланиши мўғуллар истилосидан кейинга даврга тўғри келади. Шаҳар ўрта асрлар даврида Хушкат номи билан юритилган.

Нурота шаҳар ёдгорлигидан топилган сопол буюм қолдиқлари, нумизматик (тангалар) топилмалар шаҳарнинг Шош (Чоч) билан узвий алоқада бўлганлигини исботлайди. Иккинчи томондан эса мазкур шаҳар Уструшона шаҳарлари айнан, сомонийларнинг Култепа (Совот) шаҳри билан узвий алоқада бўлганлигини ашъвий далиллар кўрсатади. Шаҳар

харобаларининг ташқи кўринишдан марказий минора бўлганлиги, шаҳар шимолидан жануб томон марказий бўлган. Шаҳарнинг асосан тараққийсига Мовароуннахрнинг жанубий вилоятларини шимол билан бирлаштирувчи карвон йўли катта роль ўйнаган. Араб географлари маълумотига кўра бу йўл Ховос орқали ўтган. Ибн Хурдодбек маълумотига кўра Ховосдан аш-Шош дарёси бўйига 9 форсах. Кейин эса Бинокент кўпригидан ўтилади.

Ўлкамизнинг қадимий тарихини ўрганган археолог олим А.А.Грицинанинг фикрига кўра Бинокент шаҳри қаршисида IX асрда аввал дарёдан ўтиш ҳудуди, карвонсарой Чочда шу даврда мавжуд бўлган сопол буюмлар бу ердан топилган. Кейинчалик карвонсарой атрофида шаҳар шакллانган.

Шаҳарга қадар Шўркўл яқинида Учёғоч, Мирза-Работ деган жойда, ва Гулистон тумани «Боёвут» ширкатлар уюшмасида Каллатепа деган жойларда, карвонлар тўхтаб ўтиши учун карвонсаройлар бўлган. Мазкур ҳудудларда қадимшунос олимлар М.Е.Массон, Ю.Ф.Буряков ва рус тарихчиси В.Ф.Караваевлар карвонсаройлар қолдиғи кўрганликларини ёзиб қолдиришган. Араб географ сайёҳи Кудамма ҳам ўз даврида мазкур карвонсаройлар ҳақида ёзиб қолдирган.

Хушкат (Нурота) шаҳрининг вужудга келиши Самонийлар давлатининг шаклланиши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Янги бир давлатнинг янги иқтисодий юксалиши сабабли вужудга келган шаҳар, шу Самонийлар давлати танназули билан, Нурота шаҳри ҳам аста секин харобага айланиб борган. X асрнинг ярмидаёқ Сирдарёнинг юқори оқимида карвонларнинг янги бир ўтиши жойи шаклланиши билан Хушкат шаҳри ўз аҳамиятини йўқотади.

3-§. Сирдарё вилоятидаги аҳолининг этник тарихи ва демографияси.

Туркистон тоғ тизмаларининг шимолидаги ҳудудлар географик ўрни, табиати, иқлимига кўра инсон яшаши учун қулай ерлардан бири бўлиб қадимдан бу жойларда одамлар истиқомат қилиб келишган.

Қадимшунослик маълумотларига кўра Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларининг бу ҳудудида одамлар қадимги тош давридан истиқомат қилишган, бронза ва илк темир даврига оид мазор кўрғонлар Хўжанд, Ўратепа, Нов ва Зомин ҳудудларида ҳам учрайди¹.

Дастлаб воҳа Сўғд давлати таркибига кирган.² Воҳа қадимда деҳқончилик билан шуғулланувчи сўғдлар ва бактрияликлар ҳамда чорвадор сак-скиф қабилалари чегарасида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг

¹ Т.Омонжулов, О.Назаров «Сирдарё ҳавзаси қадимги шаҳарлари тарихидан. // “Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: Тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.Т., 2007 йил. 72-бет

² Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Т., «Фан» 1992. С.3

ўзига хос деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг қоришиқ тури шаклланган.

Уструшона атамаси ёзма манбаларда илк ўрта асрлардан бошлаб қўлланила бошлайди¹. Ўрта Осиёнинг ушбу муҳим тарихий маданий вилояти Туркистон тоғ-тизмаларининг шимолидаги ҳудудларни –Хўжанддан Жиззахгача ва Хисор тоғ тизмаларигача бўлган жойларни ўз ичига олган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида Уструшонанинг ўтмиш тарихини моддий маданият асосида ўрганиб оммалаштиришда акад.Ю.Ф.Буряков, А.А.Грицина, М.Х.Пардаев Т.О.Омонжулов, Б.Б.Тўйчибаев каби қадимшунос ва элшунос олим Т.У.Салимовларнинг ҳиссалари салмоқлидир.

Археолог олимларимизнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, Уструшонада айрим бир шаҳарлар милоддан аввалги VII ва VI асрлардаёқ мавжуд бўлган бўлиб, булар Нуртепа ва Қурқатлардир. А.А.Грицина таърифича қадимий Совот, Курқат, Хўжанд, Ховос, Нугтепа, Бунжикат, Нуртепа ва Жиззах шаҳарлари милоддан олдинги асрлардаёқ, ҳаттоки Александр замонасигача, Буюк ипак йўлида жойлашган бўлиб антик ва илк ўрта асрларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган. Уструшона давлати пойтахти Бунжикат шаҳри бўлган. Т.О.Омонжулов милоднинг I минг йилликларига қадар Шимолий Острушона суғдий ва шак (сак)лар томонидан ўзлаштирилган бўлиб араблар босқинига қадар тўхтовсиз тараққиётда бўлган деган хулосалар чиқаради.² Археологик маълумотларга кўра Шимолий Уструшона аҳолиси милоднинг бошларидаёқ (аниқроғи III-IV асрлар) ўтроқ ҳаёт кечириб деҳқончилик билан шуғулланишган. Илк ўрта асрларда асосий сув хавзалари Зоминсой, Ачисой ва Пшағор сойлар ҳисобланиб кўтарма новлар ёрдамида ариқлар орқали адирликларга сув олиб чиқилади. Чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик савдо-сотиқ ишлари ўлкада ривожланган, шаҳарсозлик маданияти тараққий этиб, аҳолисининг эътиқодий қарашларида оташпарастлик муҳим ўрин тутади. Ўлканинг иқтисодий-ижтимоий тараққийсида Буюк ипак йўли карвон савдоси алоҳида аҳамият касб этади.

Уструшонада давлат бошлиғи бўлмиш подшоҳларни афшин деб номлашган. Афшин сулоласи ўлкани 893 йилда, самонийлар давлати таркибига кириши билан тугатилади. Тарихчи олимлар «афшин» номини кўчманчи туркий қавмларнинг кириб келиши билан боғлайдилар.

Юнон муаррихлари ўлка аҳолисини умумий ном билан «Ёввойилар («варвары»)» деб аташган. Квинт Курций Руф ўлкадаги асосий шаҳарлардан бири Кирополни қаттиқ туриб юнон-македонлардан химоялаган «кучли

¹ Мавлонов Ў. Қадимги йўлларнинг урбанизация ва шаҳарсозлик маданияти ривожига тутган ўрни. Қаранг: “Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари Т., 2007 йил 51-бет.

² Т.Омонжулов. Қадимги Острушона –эрамиздан аввалги ва эрамизнинг I мингинчи йилликларида. Мирзачўлни комплекс ўзлаштиришнинг 35- йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуманнинг ҳужжатлари. 5-декабр 1991 йил. Гулистон, 1992. 42-бет

мемакенлар қабиласи» ҳақида ёзиб қолдирган¹. Тарихчи олим И.В.Пьянков фикрича маркази Киропол бўлган бутун воҳа аҳолиси «мемакенлар» деб аталган.² Чамаси мемакенлар вилоятнинг қадимги аҳолиси таркибига кирган қабилалардан бирининг номи бўлиб кейинчалик бир-бирига яқин бўлган қабилаларнинг умумий номи даражасига етган, вилоятни энг қадимги элатини ташкил этганлар. Мазкур хулосалар Уструшона давлати даврида маҳаллий ва давлат бошқаруви мемакенлар қўлида бўлганлигидан далолат беради. Қадимшунос олимлар Нуртепа шаҳар маданиятини мемакенларга хос маданият сифатида эътироф этадилар.

Эрамиздан аввалги II-I асрларда воҳага Қанғ давлатининг шаклланиши жараёнида шарқдан қанғлар ғарбий ўлкалардан сарматлар, Шимолий Тянь-Шан ва Олой худудидан усунлар кириб келди. Шу тариқа Сирдарёнинг ўрта соҳилларида шарқий, жанубий ва ғарбий томонлардан кўчиб келган қабилалар аралашуви асосан хунлар даврида кучайган³. Милоддан аввалги II ва милодий I асрларда Сирдарёнинг ўрта қисми ва унинг шимолидаги вилоятларда бу ерларга келиб ўрнашган ва суғдий тили аҳолининг туркийлашгани ҳисобига туркийзабон халқлар кўпчиликини ташкил этган⁴.

Сирдарё хавзасига кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши кейинги даври VI-VII асрларда юз бера бошлади. Сирдарёнинг ўрта оқимида С.Г.Кляшторнийнинг фаразига VII асрларнинг ўрталаригача печенеглар⁵ ўрнашган бўлиб VIII асрнинг ўрталаригача ижтимоий турмушда муҳим ўрин тутганлар⁶. Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) бу ерларда туркий аҳоли яшайдиган этно-худудлар кенгайиб борди.

VIII-IX асрларда қарлук ва ўғиз қабилалари Сирдарё воҳасига кириб келишади. Сирдарёнинг ўрта соҳилларида Мирзачўл атрофида ўғиз кўчманчи қабилалари ҳукумрон даврга эга бўлдилар. Ўғизлар Буюк ипак йўли савдо сотиқ ишларида муҳим ўрин тутиб, фаолияти ҳавсизлигини таъминлаган, қарвонларга хизмат кўрсатиб, қорвончилик маҳсулотларини етказиб берганлар А.А.Грицинанинг айтишича, Гулистондаги Улкан-сойлик қўрғони ўғизлар қабиласи бошлиғининг мазор-қўрғон бўлиши мумкин⁷.

К.Шониёзовнинг ёзишича, туркларнинг бир қисми Олтойдан Ғарбга кўчиши жараёнида Дашти Қипчоқ орқали Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларига ёйилган қипчоқлардан иборат бўлган ва улар ўғизлар билан ихтилофий ҳолатда бўлганлар. Қипчоқларнинг бир гуруҳи «Худуд ал-олам»да (18 а бет) «андар аз-қипчоқ» деб аталган. «Андар аз-қипчоқ»лар Сирдарё бўйларида яшовчи ўғиз қабилаларига вақти-вақти билан ҳужум қилиб турганлар. Қипчоқлар ҳужумига бардош бера олмаган ўғизларнинг салмоқли қисми Сирдарё бўйларида ташлаб ғарбга кўчиб кетишга мажбур

¹ История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В.Лунин Т., «Фан» 1984г с.125.

² И.В.Пьянков Бактрия в античной традиции. Душанбе. Дониш. 1982 с.25

³ Ходжайов Т.К. Ходжайова Г.К. «Ўзбек халқининг этник тарихи». Т.1995 йил 23-бет

⁴ К.Шониёзов «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» Т., 2001 йил 123-бет

⁵ К.Шониёзов печенегларни аслида бижанаклар дейди.- Қаранг: К.Шониёзов, 362-бет

⁶ Древнетюркские рунические памятники М.1964 г.с 177-179

⁷ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Т., «Фан», 1992. С. 5

бўлдилар.¹ XI аср бошларида қипчоқлар Сирдарё ўрта қисмини тўлиқ эгаллаб «Сирдарё бўйи қипчоқлари» деган этник уюшмани ташкил этган, уларнинг таркибига бижанак (печенег), арғу, тухси ва ўғиз этник элементлари ҳам кирган. Булар XI асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг Марказий ҳудудларидаги этник уюшмаларга ва сиёсий тузилмаларга ўз таъсирини ўтқазиб ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутадилар.

Айнан шу даврда Хоразмни йирик ва мустаҳкам давлат даражасига кўтаришга интиланган хоразмшоҳлар Сирдарё бўйларидаги қипчоқлар билан ихтилофда бўлдилар. Қипчоқларнинг айрим бўлаклари Хоразмшоҳларга тобе бўлсаларда, асосий қисми Айир-Тукиҳон бошчилигида курашни давом эттираверган. Хоразмшоҳ Муҳаммад 1200-1220 йилларда қипчоқларга қарши бир неча маротаба ҳарбий юришлар уюштиради, фақатгина 1215 йилда қипчоқларга қаттиқ талофат етказди ва улар Сирдарёнинг шимолидаги бепаён чўлликларга чекинишади.

Бугунги кунда халқимиз тарихига доир тадқиқотларда «ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза даврига оид», деб эътироф этилади². Академик К.Шониёзов «Ўзбек элати IX-X асрларда шаклланди»³, деб ҳисоблайди. Академик А.Асқаров эса «ўзбекларнинг этногенези XI асргача давом этади... XI-XII асрларда ўзбек халқи узил кесил шаклланди»⁴, деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган тарихий далолатлар қадимий Уструшона ҳудудида ўзбек тилида сўзлашувчи қорлуқ-чигил, қипчоқ ва ўғиз лаҳзаларига хос уруғ-қабилаларининг қадимдан яшаганлигини кўрсатади. Зомин тумани аҳолисининг шаклланиш тарихини таҳлил этар экан элшунос олим Турсунбой Салимов мазкур ҳудудга қадимдан ўрнашган қабилалар тарзида ўзбек турклари ва қорлуқларни эътироф этади⁵. Худди шу ўринда қайд этмоқ лозимки, Тожикистон Республикаси Истаравшан, Шахристон туманларида яшовчи ўзбек турклари ҳам қадимдан шу ҳудудда истиқомат қилишган. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизстоннинг тоғли туманларида истиқомат қилувчи ўзбек турклари қадимдан бу ҳудудларда ўрнашиб, шарқий-эрон тилларида сўзлашувчи сўғдлар билан қоришиб, ўз тилларини берганлар ва ўзбек халқининг асосларини яратган қавмлардан биридир.

Нурота тоғ этакларида унга туташ чўлларда яшаган ўғиз-салжуклари асрлар давомида маҳаллий этнослар билан ёнма-ён яшаганлар, ўз навбатида, ўзбек этник гуруҳлари таркибига кириб кетган. Шунинг учун ҳам бўлса керак кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки «Нурота туркманлари» деб атаганлар, дейди академик К.Шониёзов⁶. Зомин, Ўратепа туманларида Сирдарё соҳилида мавжуд туркман қишлоқларида ўзбек

¹ К.Шониёзов «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни», Т.: «Шарқ», 2001, 361-362 бетлар

² А.Асқаров. «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи». Т., «Университет», 2007. 240-бет

³ К.Шониёзов. Ўзбек халқларининг шаклланиш жараёни. Т., «Шарқ», 2001, 30-бет

⁴ А.Асқаров Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., «Университет», 2007. 10-бет

⁵ Древний Заамин.Т., «Фан», 1994 й. 76-78 с.

⁶ К.Шониёзов Ўзбек халқларининг шаклланиш жараёни. Т., «Шарқ», 2001 й. 398 бет

туркманлари истиқомат қилишаётгани ўғиз этник гурҳи ўтмишидан нишонадир.

Туркистон тоғ тизмаларида олд қисмида Хўжанддан Зоминга қадар бўлган қишлоқлар таркибида Қипчоқ, Холдорқипчоқ каби этнонимларнинг мавжудлиги қипчоқ этник гуруҳларнинг ўтмишидан далолат беради.

Ўзбек туркларида “турк-у тожик бир халқ” деган нақл мавжуд. Гарчанд Зомин туманида тожик миллатига мансуб аҳоли камчиликини ташкил этсада, Ўра-тепа, Шаҳристон атрофидаги қишлоқларда ўзбек ва тожик халқлари бирин кетин жойлашган қишлоқларда истиқомат қилишади. Мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи ўзбек ва тожиклар икки тилли этнослар бўлиб, ўзаро суҳбатларда бир-бирларини бемалол тушуна оладилар, бозору тўй-тантаналарида моддий-маънавий маданиятларнинг деярли барча жабҳаларида уйғунликлар кўп бўлиб, ҳаттоки кўп ҳолатларда қудда-андачиликда ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур нуқтаи назардан тадқиқотлар давом этади.

4-§. Мирзачўлда рус қишлоқларининг вужудга келиши ва аҳоли демографияси

Қадимдан Мирзачўл деб улкан тоғлар орасида жойлашган тексликни айтишган бўлиб, бу текислик Сирдарё дарёсининг чап қирғоғида, унинг ўрта оқимида, жанубда Туркистон тоғ тизмаси ва ғарбда Библиқлиқтов тоғ тизмаси ҳамда Қизилқум саҳроси оралиғида жойлашган. Мирзачўл Тошкентдан 70 км масофадан бошланади. Бу ҳудуд режада учбурчак шаклида кўриниб, унинг чўққиси Чордара ҳудудида, асоси эса Туркистон тоғ тизмасига туташдир. Ҳудуднинг энг жанубий қисми Туркистон тоғ тизмасига туташ тоғолди текислик бўлиб, ҳозирги Жанубий Мирзачўл каналидан юқорироқда жойлашган ва одатда Жиззах чўли деб аталади.

Кўрсатилган чегаралардаги ерларнинг умумий майдони 1,1 миллион гектарга тенг бўлиб, шундан Мирзачўлнинг ўзи 850 минг гектарни эгаллаган эди.

XIX аср ўрталарига келиб, Мирзачўл лесс-суглинка тупроқ билан қопланган жазирама саҳрони эслатарди. Унинг юзасининг айрим қисмлари шўрланган бўлиб, оппоқ тузи қуёшда ярқираб турарди, сув камдан-кам учраб, ҳаёт деярли йўқ эди. Фақат карвон савдо йўлларининг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида қудуқлар ва сардобалар мавжуд бўлган.

Баҳорда чўл жонланиб, унинг юзаси ям-яшил ўсимликлар ва қип-қизил қизғалдоқлар билан қопланган.

Чор Россияси истилоси даврида Мирзачўл кимсасиз саҳрони эслатарди. Шу боисдан ҳам дастлаб Қирғиз чўли деб аталиб келган чўлни руслар "Голая степь", яъни "Очифат чўл" деб атай бошладилар. Рус олимларидан чўлни биринчилар қатори тадқиқ этган ўлкашунос олим Семёнов-Тяншанский "Туркистон ўлкаси" номи китобида Мирзачўл ҳақида

куйидагиларни ёзган эди: "Ёз пайтида Очофат чўл қуёшда куйдирилган сап-сарик текисликдан иборат бўлади, жазирама иссиқ ва юзада ҳаёт асоратларининг бутунлай йўқлиги чўлнинг номи топиб қўйилганлигидан далолат беради. Май ойидаёқ ўт-ўланлар сарғая бошлайди, ранглар хиралашади, қушлар учиб кетади, ҳатто тошбақалар инларига кириб кетади ва чўл яна қуёшда қовурилган, жонсиз кенглик қиёфасига киради..." Бу ҳақда В.Ф.Караваев ҳам 1914 йилда ёзган эди.

Сирдарёга туташ бўлган Мирзачўлнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмлари тарихий шароитларга биноан эски суғориш зонаси деб аталган. Бу ҳудуд Чирчиқ, Охангарон ва Сирдарё дарёларининг қадимги қумлоқ ва тошлоқ аллювиал қатламларида жойлашган бўлиб, усти лёсс-суглинка ва супеслар билан қопланган (қуввати 1 дан 40 м.гача). Бу ҳудудда ер юзасига кичик қияликлар ҳосдир.

Мирзачўлнинг жанубий қисми пролювиал қия текислик бўли, ушбу ландшафт учун ҳарakterли ер юзаси қияликка эга ва майда тош қатламлари ҳамда лойқа породадар қатламларидан иборат. Шимолга томон қияликлар аста-секин текисланиб боради, синиқ породадар қатлами тупроққа чўкиб, сингиб боради ва ундан кейин эса қум, суглинка ва лойга ўтади¹.

Тарих тақозоси билан шундай ҳолга келиб қолган чўлга эътибор чор Россияси маъмурларини қизиқтириб қолди. Бу қизиқиш Туркистон аҳлининг туб манфаатларига хизмат қилиш учун эмасди, албатта. Россияда капитализмнинг ривожлана бошлагани, тўқимачилик саноати учун ўз хусусий пахта манбаига эга бўлишни тақозо этарди. Ўша пайтларда тўқимачилик корхоналарида ишлатилаётган пахта хомашёсининг 80 фоизи Америкадан келтирилар, америкаликлар йил сайин пахта нарҳини оширар, етказиб бериш шарт-шароитларини оғирлаштирарди. Шу боисдан хусусий пахтачилик базасини яратиш Россия учун бирламчи аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолганди.

Мирзачўлга бирин-кетин ҳарбий суратчилар, лойиҳачилар, муҳандис-техник мутахассислар гуруҳлари жўнатила бошлади. Ҳарбий топограф Г.А.Аминов бошчилигидаги биринчи гуруҳ 1869 йилнинг 22 сентябрида иш бошлади. Шундан сўнг инженер-технолог Н.Ф.Ульянов 44 минг гектар ерни суғоришга мўлжалланган лойиҳа тузди.

1873 йилда махсус комиссия лойиҳани маъқуллади. Шу йил баҳорда Нурота уездидан 23 минг, Хўжанд уездидан 20 минг ишчи 10 кунга, Тошкент уездидан 10 минг ишчи икки ҳафтага ариқ қазишга жалб этилди. Кўриниб турибдики, жуда катта ҳажмда, жами 570 минг ишчи кун микдоридаги кучлар жалб этиш мўлжалланган. Канал қурилишга ғазна маблағ ажратишни пайсалга солаверганидан қурилиш хийла чўзилди. Тўрт йил мобайнида (1874-1878 йиллар) канал қазиш ишларида ўрта ҳисобда 7 мингдан киши қатнашди. Ниҳоят, Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман номи

¹ Ирригация Узбекистана. В четырех томах. Том 2. Современное состояние и перспективы развития ирригации в бассейне р.Сырдарьи. – Т.:Фан, 1975. С. 203 (С.203-296)

билан аталган бу канал қурилишининг биринчи навбати якунланди. Бироқ жами 13,5 километр масофагача чўзилган ушбу қурилиш 1881 йилдан эътиборан бутунлай тўхтатилди.

Орадан ўн беш йилча вақт ўтгач, аниғи 1895 йилда Кауфман каналидаги ишларни якунлаш учун концессия (рухсатнома) сўраб америкалик муҳандис Фитсюг ва москвалик тадбиркор Н.И.Решетниковлар расмий Петербургга мурожаат этишди. Уларга изн берилмади.

1876 йилда Тошкентга сургун қилинган буюк княз Н.К.Романов улкан даромад манбаи бўлган суғориш иншоотлари қурилиши билан шуғуллана бошлади. 1884 йилда Туркистоннинг ўша пайтдаги генерал-губернатори М.Г.Черняев унга Кауфман канали қурилишини якунлаш таклифи билан мурожаат қилди. Бироқ Мирзачўлга доир барча тадқиқотларни диққат билан ўрганиб бораётган княз "бу иш жуда қимматга, бир неча миллион рублга тушажагини билгани учун" таклифни рад этди ва ўз маблағи ҳисобидан йирик суғориш тармоғи қуриш (кейинчалик ўзлаштирилган ерларни давлатга топшириш шарти билан) учун рўхсат сўраб амакиваччаси ҳисобланмиш император Николай II-га мурожаат қилади ва олий даражадаги рўхсатномани олгач, ишга киришади.

Буюк княз тарихий Бухорарикни тиклашга ўриниб кўрди. Ўтмишда юзлаб чақирим масофага сув элтган бу кўҳна сув иншоотиға жуда катта умид боғлаган эди. 1885-1890 йилларда чўлнинг ичкарисига қараб 25 километрга чўзилган ариқ барпо этилди.

1890 йилнинг 24 сентябрида Мирзачўлга чор Россиясининг молия вазири Вишнеградский ташриф буюриб, князнинг Бухорарик бўйича ишларини кўздан кечирди ва унинг шахсий харажатларига қўшимча давлат ғазнасидан 100 минг рубл ажратишни лозим топди. Бу маблағ ишларнинг қисман бўлсада, тезлашиб кетишида муҳим омил бўлди.

Сиртдан ўта халқпарвар кўрингани билан ботинан ўта руспараст бўлган буюк княз ўзининг Мирзачўлга сув чиқариш борасидаги фаолияти чоризмнинг Туркистон ҳудудидаги колонизация сиёсатига хизмат қилажагини яширмасди ҳам. Туркистоннинг ўзида ишчи кучлари ошиб-тошиб ётганини, уларга қилинадиган харажат ҳам жуда кам бўлишини кўра-била туриб, у Россиянинг турли гўшаларидан хизматини тугатган солдат ва казакларни, тирикчилиги юришмаган рус деҳқонларини бу ишга жалб қила бошлади. Натижада чўл бағрида бирин-кетин рус кўрғонлари пайдо бўлди. Бухорарик қурилиши бошланган жойда русларнинг биринчи аҳоли пункти - Запорожье шаҳарчаси шу тариқа вужудга келди. Кейинчалик, 1886 йилда Надежда, 1887 йилда Романов, 1891 йилда Никольское кўрғонлари ташкил этилди. 1896-1897 йилларда чўлнинг шимолий қисмида, Сирдарё соҳилига яқин жойларда, эски почта йўли ёқаларида яна тўртта аҳоли пункти - Обетованный, Верхневолинск, Нижневолинск ва Конногвардейск кўрғонлари барпо қилинди. Ушбу кўрғонларга кўчирма қилинган руслар дастлаб канал қазишда, кейинчалик қимматбаҳо хомашё ҳисобланмиш пахта этиштиришда

асосий ишчи кучи бўлиб хизмат қилишлари, аста-секин Мирзачўлнинг чинакам эгаси, туб аҳолиси бўлиб қолишлари лозим эди.

Туркистон ўлкасида рус қишлоқларининг пайдо бўлиши олдиндан режалаштирилган режа асосида олим борилмасдан, балки “ҳеч қандай тартибсиз, фақат айнан ўша дақиқада вужудга келган эҳтиёж талаб қиладиган чора-тадбирлар асосида” олиб борилди. Туркистон ўлкаси маъмурияти воқеалар орқасидан ҳаракат қилиб, бу ҳолат кўчирувчилик ишида бошбошдокликни вужудга келтирарди. Ўлкага келиб, крестьянлар шу захотиёқ янги жойларда бирмунча қулай жойлаша олмасдилар; бундай жойлаштириш ҳақида ҳатто ҳеч қандай кўрсатмалар ҳам бўлмаганди, шунинг учун айримлари ўз ватанларига қайтишга, бошқалар и эса бир жойдан бошқа жойга ўтишга мажбур эдилар. Бу Туркистон ўлкасидаги алоҳида юқори лавозимдаги мансабдорларни хавотирга солмай қолмасди. Улар ўзларининг хавфсирашлари ҳақида ҳарбий губернаторларга крестьянларнинг бир жойдан бошқа жойга ҳаракат қилишлари ёки қайта кўчирилиши ўлкада русларни мустаҳкам ўрнашиб қолишига имкон бермаётганини ёзардилар. 1880 йилда Авлиё-Ота уездли бошлиғи Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторнинг руҳсатсиз ўзбошимча равишда крестьянларга ҳаракат қилиш эркинлигини тақиқлаб қўйди в ҳатто уларга қайта ватанларига қайтиб кетишларига руҳсат бермади. Бироқ ҳарбий губернатор бундай чораларга жавобан еузд бошлиғига у ватанларига қайтишни хоҳлаётган кўчиб келганларни ушлаб туриш мумкин эмас деб ҳисоблашини ёзди.

Туркистон ўлкасидаги алоҳида мансабдорларнинг крестьянларни Ўрта Осиёга кўчиб кетишини ман қилишга уринишлари муваффақиятсиз бўлди.

XIX аср 70-йиллар охиригача кўчиб келганларни жойлаштириш тўғрисида ўлка маъмуриятининг ҳеч қандай кўрсатмалари ёки фармойишлари чиқарилмади, бу эса кўчиришга салбий таъсир кўрсатди. 1881 йил 3 мартда генерал-губернатор ишлоқларга истеъфодаги қуйи мансабларни қабул қилиш ҳақида фармойиш чиқарди. Хужжатда уларга мерос мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқи билан ҳар бирига 7 десятинадан ер берилиши кўрсатиб ўтилган эди. шунингдек, ушбу ерларни ижарага бериш ман қилингани ҳамда улар бегоналаштирилмаслиги таъкидланган эди. Участка (ер майдони) олганларнинг барчаси ерга биринчи йилдан бошлабоқ ишлов бериш мажбуриятини олгандилар.

Ушбу кўрсатма ўлка маъмуриятининг русларни жойлаштириш бўйича дастлабки фармойиши эди. У ҳали ҳарбий характерга эга бўлиб, истеъфодаги ва заҳирадаги қуйи мансабларни жойлаштиришни белгилаб берган эди. Бошқа қонунчилик ҳужжати эса 1883 йилдаги қоидалар бўлиб, улар янги туркистонлик генерал-губернатор Черняев томонидан чиқарилган (чоп этилган) эди. Янги ҳужжат асл руслаштириш характериға эға эди: Ўрта Осиёға фақат келиб чиқиши руслардан бўлган шахсларни кўчиришға руҳсат берилганди.

Ўша даврда ер олиш тартиби тўғрисида К.К.Пален қуйидагиларни ҳикоя қилади: “Участкалар кўчиб келганларға меросий фойдаланиш ҳуқуқи

билан ажратилган, бироқ, улар ажратилган вақтдан 10 йил ўтганидан сўнггина, агар бу муддат давомида у ўз участкасига йилдан йилга узлуксиз ишлов берса, ер участкалари кўчиб келганнинг тўлиқ мулки бўлиши мумкин эди. Бундан кейин кўчиб келган ўз участкасини келиб чиқиши рус бўлган бошқа шахсга бериши мумкин эди. Кўшчиб келган вафот қилган ҳолда, ер унинг ворисларига худди ўша чекловлар билан ўтарди. Мазкур қоидаларни чиқариб, Черняев кўчиб келганларни ўлкага мустаҳкам ўрнаштириб олишни ҳамда Ўрта осиеда рус таъсирини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаган эди. Ушбу қоидалар кўп билан 1 йилгача амал қила олди, холос. Уларнинг узоққа чўзилмаганини шу билан тушунтириш мумкинки, маҳаллий маъмурият деярли умуман янги қишлоқлар устидан ғамхўрлик қилмасди. Энг эҳтиёжманд оилаларга ҳар доим ва ўз вақтида ссуда берилмасди, бу эса уларга қонданинг иккинчи талабини бажаришга имкон бермасди. Айримлар эса нафақат 10 йил давомида, балки ҳатто 2 йил ҳам деҳқончилик билан муваффақиятли шуғуллана олмасди. Янги кўчиб келганларнинг кўпчилиги ўз ерларини ташлаб, янги ерларга кўчиб кетарди.

Ўша 1883 йилдаёқ рус посёлкаларини тузиш учун махсус комиссия тузилиб, унга “крестьянларни Сир-Дарё вилоятига жойлаштириш қоидаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Аммо комиссия ҳатти-ҳаракатлари кўчирувчилик масаласини тартибга солишга ёрдам бермади ва 1885 йил йилда у тарқатилди.

Бу даврда (1886 й.) “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом” чиққан эди — бу моҳият жиҳатидан ўлкада крестьянларни жойлаштириш қоидаларини қонунлаштирган дастлабки қонуний ҳужжат эди. Рус крестьянларига фақат “эркин (бўш) давлат ерларига” кўчиб кетишга руҳсат берилган эди. Руҳсат биринчи навбатда Туркистон ҳарбий округининг қуйи захирадаги мансабларига бериларди. Уларга шунингдек, қуйидаги имтиёзлар берилганди: “эркин (бўш) давлат ерларидан ҳар бир ишчига (работник) 10 десятинадан ошмаган майдонни ажратиш; 2) 10 йил давомида давлат ер солиғини тўлашдан озод қилиш ҳамда ҳар бир кишига 100 рублдан ошмаган микдорда нафақа бериш. Бироқ ушбу қонун Россияда буржуазия ва помещиклар ўртасида кескин иқтисодий зиддиятлар ҳукмронлик қилаётган даврда эълон қилиндики, бу мустамлакаларда ер масаласини ҳал қилишга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ҳукмрон синфлардан ҳар қайсиси уни чекка жойларда ўз фойдасига ҳал қилишга уринарди. “Низом”нинг ўзи ҳам зиддиятли характерга эга эди. У маҳаллий аҳоли учун ер масаласини ҳал қилиши лозим эди ҳамда рус кўчиб келганларга бериладиган ер майдонларини аниқ белгилаб бериши керак эди. Бизга маълум бўлишича, Ўрта Осиё хонликларида уларнинг Россияга қўшиб олинишидан олдин ер мезонларини аниқлаш жиҳатидан ягона фикр ҳануз йўқ. Тарихчиларнинг бир гуруҳи ҳисоблашича, хонликларда ерларнинг учта мезони (категория) маълум бўлган: амлок (давлат), мулк (хусусий ер эгалиги бўлиб, давлат солиғи солинмайдиган ерлар) ва вақф. Бошқаларининг таъкидлашича, ерларнинг тўртта мезони маълум эдиб амлок, мулк, хирож (хусусий ер

эгаллиги бўлиб, ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида давлат солиғи солинган ерлар) ва вақф.

Ўлкани Россияга қўшиб олинishiдан кейин чоризм иқтисодий қудратни босиш ва феодалларнинг ижтимоий маъқеини пасайтириш учун ерларнинг барча мезонларини (амлок, хирож, мулк) давлат ерлари деб эълон қилди ҳамда уларни бевосита ишлов бераётганларга мерос (ворисий) мулк сифатида тақсимлаб берган. Кўчманчиларнинг ерлари ҳам давлат ерлари деб эълон қилинган эди ва кўчманчиларга муддатсиз фойдаланиш учун қолдирилди. Шу тариқа, “Низом” (Қоидалар) да мустамлакачи фондлар тўғрисида лом-мим дейилмаган эди. Фақат “мавот” (ўлик) ерлар бўш (эркин) қолган эди ва улар мустамлакачи фонд бўлиши мумкин эди. Аммо уларни кўтариш учун катта пул ҳаражатлари талаб қилинарди чунки суғориш ишларини ўтказиш керак эди.

Сир-Дарё статистик кўмитаси котиби вазифасини бажарувчи И.И.Гейер ўзининг 1891 йил 20 майда Сир-Дарё вилояти ҳарбий губернатори номига ёзган маърузасида маълумот беришича: “Кўчиб келишга рағбат бўлиб барча ҳолларда крестьянларни ўраб турган шароитлардан норозилиги, кўп ҳолларда бу шароитлар кўпинча иқтисодий характерда бўлган”.

Кўчиб келганларнинг кўпайиб кетиши ўлка маъмуриятини қийин аҳволга солди, чунки у кўплаб одамларни кутиб олишга тайёр эмасди. 1893 йилда Сир-Дарё ҳарбий губернаторининг ҳисоботида жойлаштирилмаган кўчиб келганлар ўтган йилда илгари тузилган қишлоқларга жойлаштирилган ва шу тариқа 1893 йилда вилоятда янги посёлкалар пайдо бўлмаган, деб таъкидлаган эди. Агар Ўрта Осиёнинг Сир-Дарё вилояти каби асосий мустамлакачилик вилоятида кўчирувчилик ҳаракатининг энг юқори ривожланган пайтида янги қишлоқлар ташкил топмаган бўлса, демак маъмурият ўз ваколатида эркин ерларга эга бўлмай, қаршилиқ кўрсатмаслик йўлидан борганлигини айтиш мумкин. Бу ҳол доимий яшаётган аҳолини янги кўчиб келганлар томонидан сиқиб чиқарлишига олиб келди, бу эса, ўз навбатида, биринчиларнинг хўжалиқ турмушига салбий таъсир кўрсатди.

Барча кўчиб келганларни бирданига жойлаштиришга имкони етмаган маъмурият уларни тақдир тақозосига ташлаб қўйди. Янги келганлар ўзбошимчалиқ билан участкаларни эгаллаб олишга мажбур бўлишди. Айрим ҳолларда бундай ўзбошимчалиқ билан жойлашиб олиш маҳаллий аҳоли ва рус крестьянлари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилган. Айрим ҳолларда эса сўнгилари деҳқонлар ерларини куч ишлатиш йўли орқали эгаллашган. Бу ҳол улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келди, ва чоризм мақсадларига тўғри келарди, чунки чоризм руслар ва маҳаллий аҳоли ўртасида миллий зиддиятларни ёндириб, шу йўл орқали уларнинг диққат-эътиборини шароитларни яхшилаштириш учун курашдан чалғитарди ҳамда бундай ҳол чоризмга ҳам биринчиларни, ҳам иккинчиларни чексиз зулм остида тутишга имкон берарди.

1893 йилда чор маъмурияти ҳатто рус кўчиб келганларга милтиқлар берди. Ички ишлар вазирлиги қошидаги махсус топшириқлар мансабдори

А.А.Половцевнинг ёзишича: “Бу милтиқлар одатда уларда энг кўринарли жойларда осиглик турарди. Улар нимага хизмат қилади деган саволга крестьянлар улар бошлиқлар томонидан “қирғизларни ўз жойига солиш” учун берилгани, деб жавоб қайтарарди”.

Қандай бўлмасин, кўпчилик кўчиб келганлар ўз ерига эга бўлолмади ва улар йирик рус ер эгаларига, масалан, буюк князга ёки саноат корхоналари эгаларига хизматкорлик қилишга мажбур бўлишди.

Маъмурият ёрдамид жойлаштирилган крестьянлар ҳам ўзбошимчалардан яхшироқ яшамади. Ер участкалари илгари шошилинич равишда тақсимланарди, уларнинг хўжалик учун яроқлилиги ҳисобга олинмаган эди. Тез орада барча ерларни ҳам суғориб бўлмаслиги аниқланди. Сув танқислигидан экинлар пайҳон бўла бошлади.

1890-йиллар ҳосилсизлиги нафақат қишлоқ хўжалигига зарар етказди, балки саноатга ҳам салбий таъсир ўтказди. Тоғ заводларида аҳоли, айниқса крестьянларнинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши натижасида завод буюмларини ишлаб чиқариш қисқара бошлади, бу эса ишчилар аҳволини оғирлаштириб юборди. Ишсиз қолиб, улар озиқ-овқат қидириб кетардилар. Улардан айримлари Туркистон ўлкасига келиб қолиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошлайди. Аста-секин ўтроқлашиб, улар рус посёлкаларини ташкил этишади. Кейинчалик ҳаммаси ҳам Ўрта Осиёда ўрнаша олмади. “Черняевский қишлоғига биринчи бўлиб Оренбург губернасидаги тоғ заводлардан ишчилар келган эди. Ҳосилсизлик туфайли заводлардаги ишлаб чиқариш қисқарди, оқибатда ишчилар бошқа томонда тирикчилик излашга мажбур бўлишди. Аммо кон ишчилари ҳақиқий деҳқон бўлмаган, ерга ўргнмаган эди; уларга бу ерда крестьянлик қилиш ёмади, бундан ташқари безгакли иқлимдан ҳам оғир аҳволга тушган эдилар. Шунинг учун ўтроқлашиб қолган тоғ ишчиларининг катта қисми яна кўтарилиб, участкадан яна конларга қайтиб кетишади; уларнинг ўрнини эса Россия даштли губернияларидан кўчиб келганлар эгаллашади”.

1903 йил 10 июндаги қонунда кўчиб келганларга айрим имтиёزلарни берадиган моддалар мавжуд эди. Масалан, 8-моддада : “а) дастлабки 5 йил давомида улар вақтинчалик оброк солиғидан ва пуллик маҳаллий ҳокимият идоралари юклатган (земский) мажбуриятлардан озод қилинадилар; ушбу давр ўтиши билан улар вақтинчалик оброк солиғини тўлайдилар, 5 йил давомида бу солиқнинг ярмини ташлайдилар, пуллик маҳаллий мажбуриятларини эса 3 йил давомида ярмини тўлаб келадилар, ва б) ўлкага кўчирилган пайтда 15 ёшга тўлган шахслар 6 йил давомида ҳарбий мажбуриятлардан озод қилинадилар”, дейилган.

Кўчириш тартиби қуйидагича эди. Крестьян ўз губернатори орқали ички ишлар вазирига илтимоснома ёзарди. Жойлардан фақат бунга руҳсат олингандан кейингина силжиши мумкин бўлган. Шунинг учун крестьян тақдири кўп ҳолларда вазир фикрига боғланган эди. Бундан ташқари, қонунда бошқа, яъни яйлов ва ўтлоқ ерлар чегаралари аниқ белгиланмаган эди, бу эса кўчириш давомида ер тузиш ишларига салбий таъсир кўрсатди.

Янги қонун чоп этилганидан кейин ички ишлар вазири номига Ўрта Осиёга кўчиб кетиш ҳақида жуда кўплаб илтимосномалар тушди. Илтимосномалар нафақат ички губернияларда яшовчлардан, балки собиқ Сибирдан кўчиб келганларидан ҳам бўлган. Сибирга кўчиб келганларидан кейин улар бу ерда ўз ишларини тартибга соломмай, бутунлай хонавайрон бўлган эдилар.

Инқилобий тўфонлар пайтида Ўрта Осиёга кўчиб келувчилар оқими йил сайин кўпайиб борарди. Айниқса у Столипин реакцияси юқори нуктага келган даврда (1900-1910 йй.) жуда кучли бўлди. Ўша даврда ҳукумат крестьянларни кўчириб келишга катта умид бағишлаган эди. Ҳақиқатда эса кўчиб келганлар оқимининг кучайиши крестьян оммаси аҳволини фақат қийинлаштирди, холос. Ўзининг кўчирувчилик сиёсатида марказий ҳукумат ўлка маъмурияти томонидан қаршилик кўрсатилишига учради. Кўчириш бошқармаси ва ўлкадаги маҳаллий маъмурий органлар ўртасида доимий равишда Ўрта осиёда крестьянларни кўчириш ва жойлаштириш масаласи юзасидан келишмовчиликлар содир бўларди. Агар Кўчириш бошқармаси ўз ҳисоботларида ва маълумотномаларида ўлкада кўплаб эркин ер майдонлари борлигини тасдиқлашга ҳаракат қилса, иккинчилар бунинг аксини таъкидлаб ўтардилар. Фикрларнинг бундай қарама-қаршилиги ижтимоий (социал) негизларга эга эди: марказий ҳокимиятлар иложи борица тезроқ сиёсий жиҳатдан ишончсиз бўлган крестьянлардан халос бўлишга интилса, маҳаллий маъмурият, табиийки, ўлкадаги хотиржамликни бузиши мумкин бўлган одамларни қабул қилишни хоҳламасди.

Маҳаллий аҳоли ерларини бегоналаштириш (мусодара қилиш) 1916 йилгача давом этди. Хўжанд уездида у Мирзачўлда суғориш тармоғини ўтказиш билан боғлиқ эди. Масалан, Сир-Дарё кўчириш районидаги ер ажратиш-тақсимлаш ишлари тўғрисидаги 1915 йилга оид ҳисоботда ёзилишича, Мирзачўлда суғориш ва аҳолини жойлаштириш эҳтиёжлари учун 385 199 десятина тортиб олинган эди. Кейинги йилда Хўжанд ва Жиззах уездларидаги кўчманчи аҳоли ерларини тортиб олиш эвазига янги мустамлакачилик фондини ташкил қилиш режалаштирилган эди. “Қайд қилинаётган тортиб олинган майдоннинг Хўжанд уездида жойлашган бир қисми сўнгги вақтгача Сават волостидаги қирғизлар (128 ўтов эгалари) нинг умумий фойдаланишида бўлган. Улар йилнинг катта қисмида Ўрта Осиё темир йўлидаги Черняево станцияси ёнида истиқомат қилишади. Улар 4 бўғинга бўлинадилар: Парчаюз, Кўқон-қарапчи, Найман ва Туркман ҳамда битта Қарапчи-парчаюз жамоасини, номи зикр этилган волостдаги 3 та маъмурий овулни ташкил этадилар”. Шундай қилиб, Хўжанд уездида маҳаллий аҳолидан 150 671 десятина ер тортиб олинган эди.

1914 йил 21 июндаги қонунга мувофиқ Мирзачўлнинг суғорилган ерларига ўрнашиш (заселение) мақсадида “рус аъёнларидан барча насроний мазҳаблардаги, табақавий фарқланишсиз, маълум моддий таъминотга эга бўлганлар” жўнатилад эди.

Шу тариқа чоризмнинг кўчирувчилик сиёсатида иккита асосий босқични ажратиш мумкин: XX аср бошигача ва XX аср бошларидан то 1917 йил февралидаги иккинчи рус инқилобигача. Биринчи босқичнинг характерли хусусияти жойларда аҳоли ортиқчасини ушлаб қолишдан иборат эди.

90-йилларда Россия империализм даврига кирган эди. Бир томондан, қишлоқ хўжалигига капиталистик муносабатларнинг янада кириб бориши, крестьянлик синфий дифференциациясининг кучайиши, бошқа томондан крестьян ҳаракатининг кучайиши ҳукуматни қийин аҳволга солди. Чор ҳукумати ўша пайтда сиёсий жиҳатдан ишончсиз бўлган крестьянлардан халос бўлишга уринарди. Кўчирувчиликдан буржуазия ҳам манфаатдор эди. Бироқ кўчиришга қарши кенг миқёсда помещиклар чиққан эди. Иккала ҳукмрон синфнинг манфаатларига мос келувчи компромисс ечимни топишга интилиб, самодержавие кўчирувчилик сиёсатида иккиланиш белгиларини намоён қилади. Дастлабки вақтда Ўрта Осиёга нисбатан чоризм ҳарбий-стратегик характердаги сиёсат тутди. Ўлкани кўчирувчилик учун расмий равишда ёпилишигача (1897-1898) ҳукумат интилишлари асосан босиб олинган жойларда ўз позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам XX аср бошларигача Ўрта Осиё ҳали ортиқча аҳолини кўчириш учун плацдарм сифатида қаралмаган эди. Ўлкада режали мустамлакалаштириш олиб борилмаган. Кўпчилик посёлкаларнинг пайдо бўлиши кўчиб келганларнинг хоҳиши ёки алоҳида маъмурлар фаолиятига боғлиқ эди. Янги посёлкаларни ривожлантириш учун ҳеч қандай маъмурий ёки хўжалик чоралар кўрилмаган эди. Ўлка олий маъмурияти ўзбошимчалик билан пайдо бўлган рус посёлкаларига (айниқса Мирзачўлдаги) ҳеч қандай эътибор бермаган. шунинг учун у ерда аҳолининг катта оқими кузатилган. Фактик жиҳатдан крестьянларнинг ҳуқуқсизлиги уларнинг моддий аҳволида ўз аксини топган. Уларнинг кўпчилиги узок вақт давомида бир жойда яшаб, ўз хўжалигини кўтара олмасди.

Ўрта Осиёга кўчиб келганлар оқимининг кучайиши, жойлаштирилмаган крестьянларнинг жуда кўплаб йиғилиб қолиши ўлка маъмуриятини жуда кўрқитиб юборди. Ўлкани кўчиб келганлар учун расмий равишда янгидан ёпиш ҳақидаги масала кўтарилди ҳамда бир қатор шошилиш қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1906 йилда Сир-Дарё партияси деган ташкилот тузилиб, унинг вазифаси янги посёлкаларни ташкил этишдан эмас, балки фақат тадқиқ этишдан иборат эди. Партия иши унда етарлича штат бўлмаганлиги туфайлигина муваффақиятли амалга оширилмади.

Иккинчи босқичда чоризм кўчирувчилик сиёсатининг ўзига хос хусусияти шу бўлдики, у машҳур столипин ислохотларига асосланган эди (энг ишончсиз крестьянларни чекка жойларга кўчиришга, хўжаликларнинг отрубли* ва хуторли турларини тузишга ва ҳоказоларга). Бироқ Ўрта Осиёда

* Отруб – кулоқ хўжаликларини кўпайтириш масадида Россия чор маъмурлари томонидан жамоага қарашли ерлардан кесиб, ўзига тўқ деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилган ер, участка. // Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. III-том. Т.: ЎзФА нашриёти, 1953. Б.555.

хўжаликларнинг бундай турлари фақат 1910 йилдан бошлаб ташкил этилган, Хўжанд уездидаги Мирзачўлда эса – 1913 йилдан кейин ташкил этилган. Бунда уларнинг ташкил топиши Россиядаги тажриба сигари жамоа хўжаликларини бузиш йўли билан эмас, балки эркин давлат ерлари деб номланган ерлар ҳисобига олиб борилди.

Самодержавиенинг кўчирувчилик сиёсати асл реакцион бўлиб, марказдаги инқилобий чиқишларнинг энг инқилобий кайфиятдаги крестьянларини чекка жойларга кўчириш ёрдамида сусайтиришга, помещик ер эгалликларини сақлаб қолишга қаратилган эди. Чекка жойлардаги аҳолини оммавий тарзда талон-тарож қилишга асосланган, Россиядаги крепостнойлик қолдиқларини сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган. “Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” сиёсатидан келиб чиқиб, чор ҳокимиятлари рус келгиндилари ва ерли аҳоли ўртасидаги миллий зиддиятларини ёндиршга ҳаракат қилардилар.

Бунга қарамасдан, Ўрта Осиёда, жумладан, Хўжанд уездида ҳам, рус посёлкаларининг пайдо бўлиши прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, у учта жиҳатда ўз ифодасини топган: иқтисодий, сиёсий ва маданий. Умуман, кўчирувчилик ҳаракатининг объектив прогрессив аҳамияти тўғрисида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, у Ўрта Осиёдаги маҳаллий халқларни нафақат рус халқи билан, балки Россиядаги бошқа халқлар билан ҳам яқинлашувига туртки бўлди.

5-§. XX аср бошларида Мирзачўлнинг суғорилиши

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, бу ерлардаги бойлик манбаларига қизиқиш кучайиб кетди. Ерларни ўзлаштириш муаммоси ҳам биринчи даражада ҳал қилинадиган ишлардан бири эди. Айниқса, Мирзачўлга қизиқиш кучли бўлиб, рус тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун бу ерларга пахта экиш, Мирзачўлни пахта хом ашёси манбаига айлантириш йўлида ҳаракат қилинди.

XIX асрнинг сўнгги йилларида ирригация ва мелиорация бўйича Россия мутахассислари Ўрта Осиёга, хусусан Мирзачўлга кела бошладилар. Уларнинг орасида буюк княз Н.К.Романов ва рус ирригатори Г.К.Ризекамплар ҳам бор эди.

1903 йили Ўрта Осиёда америкаликлар экспедицияси пайдо бўлиб, унинг таркибида археологлар бўлмаса ҳам, археологик деб аталган эди. Экспедиция бошлиғи Р.У.Помпелли тоғ муҳандиси эди. Экспедициянинг илмий раҳбари У.М.Дэвис эса табиий география ва геоморфология билимдони сифатида танилган эди. Унинг ёрдамчиси ролида кейинчалик америкалик «геосиёсатдонлар»нинг етакчиси бўлиб қолган Элсворт Хантингтон бўлган. Экспедиция амалда рекогносцировка олиб бориб, унинг мақсади Туркистонда суғориш ишларини кенгайтириш истикболи нақадар

реал эканлигини аниқлаш эди. Экспедиция Мирзачўлда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, қадимги суғориш тизимлари изларини, жумладан, Эски Туя-тортар каналини ҳам ўрганиб чиқди, нивелировка ва топографик съёмкаларни бажарди. Зарафшон юқори оқимида Самарқанд ва Бухоро воҳаларининг асосий сув томири бўлган музликларнинг ҳолатини тадқиқ этди. Сўнгра Помир ва Тянь-Шанда бўлиб, у ерлардаги музликларни ўрганди ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг потенциал сув ресурслари ҳақида маълумот тўплади.

Туркистонда суғориш истиқболларини тадқиқ этиш билан чегараланмасдан, экспедиция қатнашчилари психологик хужумни бошлаб юбордилар. Осиёни, айниқса Туркистоннинг қуриб кетиши назариясини илгари сурди. Икки йилдан сўнг Хантингтон Вашингтонда босилиб чиққан ишидаги «Иқлим ва тарих» бобида халқларнинг жадал ривожланиши ва «ўзига хос тарихий роли» атлантик мамлакатлар иқлими таъсири остида бўлаётганлиги тушунтирилиб, унинг фикрича, бу маданиятнинг ривожига ҳам таъсир этарди. У Осиё халқлари циклоник иқлим зонасида яшаётган англосакслар ёрдамсиз ўлиб қолади ва йўқ бўлиб кетади, деган ғояни илгари сурган эди. Чоризм маъмуриятининг юқори мансабдорларидан айримлари Хантингтон сўзларини жиддий қабул қилиб, Мирзачўлда қурилиши бошланган янги магистрал канални муваффақиятсизликларга учрайди, деб тахмин қила бошладилар. Бунинг натижасида Россиянинг ишбилармон ва ҳукумат доиралари Туркистонда ирригацияни ривожлантириш ишларига катта эҳтиёткорлик билан ёндоша бошладилар. Қурилиш учун кредитлар очиш қийинлашди, канал лойиҳалари тасдиқланмасдан ўзгараверарди, чунки Ўрта Осиёнинг қуриб кетиши ҳақидаги «назария»лар таъсирига тушиб қолган амалиётчи-ирригаторлар ҳам ўз ишларига ишончсизлик билан қарай бошлаган эдилар.

Бу даврда атоқли рус олими А.И.Войеков ва унинг шогирди Л.С.Берглар Хантингтон ва уни қувватловчиларга кескин қарши чиқишди. Хантингтон ғояларининг Россияда қувватланиши натижасида Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари тўхтатилиб қўйилганлигини инобатга олган ҳолда Л.С.Берг: «Мирзачўлда йил давомида 200-300 мм ёғингарчилик тушиб, бунинг ҳаммаси буғланиб, йўқ бўлади, агар нам кўп бўлган йилда кўпроқ ёғингарчилик бўлса, буғланиш ҳам кўпроқ; қурғоқчилик йилларида эса аксинчаси бўлади. Бир сўз билан айтганда, прогрессив қуриб қолиш аниқланмади», деб тушунтиради¹.

А.И.Войеков Мирзачўлни суғориш тарафдори бўлиб, 1908 йилдаёқ Туркистоннинг пахтачилик истиқболлари ҳақида : «Ҳозирнинг ўзида Рус Туркистони катта миқдорда пахта етиштириб бермоқда, унинг сифати эса ўртача Америка навларидан ҳеч ҳам ёмон бўлмасдан, аксинча яхшироқдир» , деб ёзган эди². А.И.Войеков ҳақли эканлигини Туркистон пахтасини ўз

¹ Берг Л.С. Об изменении климата в историческую эпоху. // Землеведение. 1911. С.23-24

² Войеков А.И. Орошение Закаспийской области с точки зрения географии и климатологии. / Известия Императорского Русского географического общества. Т.44. Вып.3. СПб., 1908. – С.143

кўлларига киритиш учун ҳаракат қилган америкалик ишбилармонларнинг ўзлари кўрсатди. 1910 йил ноябрида Петербургда америкалик миллионер Жон Гейс Гаммонд пайдо бўлди. Биринчи интервьюдаёқ Гаммонд: «Биз, амалиёт одамлари учун Россия ташаббускорлик ва Америка капиталини жойлаштириш учун кенг майдондир», деди. Уч ҳафтадан кейин эса журналистларга: «Туркистондан Россия шунча пахта олиши мумкинки, у нафақат Россия саноати эҳтиёжларини қондиришга, балки жуда бой ташқи савдо моддасини ҳам келтириб чиқаради», деб таъкидлайди.¹

1911 йил мартида муҳандис-ирригатор ва тупроқшунослардан таркиб топган Гаммонд экспедицияси Ўрта Осиёга йўл олди ва энг аввало Мирзачўлга ташриф буюриб, сўнгра Келиф Узбойи ҳудудига йўл олди.

1912 йил январига келиб, Мирзачўлга қизиқиш янада кучайди. Катта Ярославль мануфактураси директори А.И.Кузнецов йирик тўқимачилик фирмалари номидан ҳаракат қилгани ҳолда, москвалик саноатчилар ўртасида Мирзачўлда 250 минг десятина майдонни суғориш учун концессия бериш тўғрисидаги масалани кўтариб чиқди. 1912 йил март ойида Туркистонга ер ажратиш ва ер ишлари бош бошқарувчиси А.И.Кривошеин жўнаб кетди. Сафар мақсадини у: «шахсан жойда Туркистон пахтачилигини кенгайтириш имконияти шароитларини кўриб чиқиш» деб тушунтирди.

Сафардан қайтиб, пахтачиликни кенгайтириш ҳақида: «бу ўлка учун чинакам марказий масала бўлиб, унда битта эмас, балки учта асосий томон бор. Агар бир томонда «пахта» деб ёзилган бўлса, иккинчи томонда – «суғориш» деб ёзиб қўйилган, учинчи томонда эса... энг муҳим бўлиб қолиши мумкин бўлган «русларни жойлаштириш» деб ёзилган», деган эди.²

Чоризм маъмурлари Мирзачўлни ўзлаштиришга, пахта етиштириш майдонига айлантиришга катта эътибор бера бошлади. Шу билан бир вақтда бу ерларни руслаштиришга ҳам киришди. Маҳаллий аҳоли учун Мирзачўлга йўл ёпиқ эди, деҳқонлар у ерга фақат батрак сифатида ўта олар эди. Илгари Бекободдан Боёвутгача бўлган ҳудудда бир қанча ўз ерларини катта бўлмаган ариқлар ёрдамида суғораётган қишлоқ жамоалари бўлган бўлса, буюк княз томонидан канал ўтказиш бўйича ишлар олиб борилган пайтда, бу ариқлар йўқ қилинди ва ерлар янги канал сувлари билан суғорила бошланди.

Суғориш ишлари туфайли кўчманчиларнинг ерларда ўтроқлашув жараёни тўхтатилди. Доимий равишда Мирзачўлда истиқомат қилиб келаётган кўчманчилар 9 овулни (216 хўжалик, аҳолининг умумий сони 2207 киши) ташкил этарди. Бу эса ушбу улкан ҳудуд бутун аҳолисининг катта қисмини ташкил этарди. XIX аср охирида кўчманчилар аста-секин ўтроқчиликка ўта бошлаган, бироқ 1903 йилда агроном Понятовский ва Хўжанд уезди давлат мол-мулклари бошлиғи Вальневлардан иборат комиссия суғорилаётган ҳудуднинг иқтисодий истиқболларини ўрганиб чиқиб, кўчманчиларни ҳисоб-китобдан умуман чиқариб ташлашди ва «Мирзачўлни

¹ Новое время. 1910 г. 30 ноября; Туркестанские ведомости. 1910 г. 22 декабря

² Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – СПб, 1912. – С.4.

аҳоли билан таъминлашда бу кўчманчилар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, қисқа вақтга келиб кетадиган ҳамда ҳеч қандай иқтисодий ва бошқа алоқада бўлмайдиган элемент сифатида чўлда аҳолини жойлаштиришда ҳисоб-китобга киритилмайди. Шунинг учун комиссия ўз ишини мураккаблаштирмаслик учун бу элементни умуман ҳисобга олмади ва улар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар тўпламади», деб тушунтирдилар¹.

Чоризм маъмурияти Мирзачўлда бепоён ерларни ўзлаштирилишини қўллаб-қувватлаши керак эди, лекин ўлка ер ишлари бошқармасида катта рол ўйнаган ўша Понятовский суғорилган ерлар фақатгина кўчиб келувчи русларга мулк сифатида берилиши керак, маҳаллий деҳқонлар эса ижарачи-чорикор ёки батрак ролини ўйнаши керак, деган нуқтаи назарни каттиқ туриб ҳимоя қилди. У: «янги суғорилган ерларда рус посёлкалари билан бир қаторда ҳеч бўлмаса икки баробар кўп одамлардан иборат ва кўпсонли туземец-ижарачиларнинг посёлкаларини бунёд этиш керак», деб ёзган эди. 1907 йилда Мирзачўлдаги ишларни тафтишдан ўтказган Гидрогеология қўмитасининг комиссияси таркибида Туркистоннинг ўлка ер ишлари бошқармаси бошлиғи С.Раунер каби билимдонлар: «Комиссия экинларни суғоришда фойдаланиш мақсадида маҳаллий ери йўқ аҳолига бериш учун суғорилган ерлар захирасига эга бўлиши кераклигига эътиборни қаратади. Қўшни Фарғона вилоятида сўнгги вақтларда ер тақчилиги билиниб турмоқда, шунинг учун ҳам ушбу вилоят аҳолисининг бир қисми Мирзачўлдаги суғорилган ерлардан фойдаланиши мумкин», деган расмий хулоса чиқарди.

Кўчириш сиёсатини ишлаб чиққанда чор Россияси ҳокимият доиралари Гидрогеология қўмитаси таклифини инобатга олмадилар. Ер ажратиш ва ер ишлари Бош бошқарувчиси А.В.Кривошеин каби мансабдорларнинг: «Туркистонда рус элатининг сиёсий жихатдан ҳам кўпайиши унинг хўжалик кучи билан ҳам мустаҳкамланиши керак. кўчиб келган русларнинг қўлларига низосиз ер бойликларини, яъни Туркистондаги суғорилган ерларни бериш керак» каби фикрлари эса катта эътибор билан эшитиларди.

Кривошеиннинг ушбу таклифи Мирзачўлдаги канал сувлари билан суғорилаётган давлат ерларини ажратиш ҳақидаги давлат қонунига муқаддима бўлди. 1914 йил 21 июнда чиқарилган ушбу қонун давлат ерларида истиқомат қилиш учун фақат христиан эътиқодида бўлганлар қўйилади, деб тасдиқлаб нуқта қўйди. Суғорма деҳқончилик қилишда мингйиллик тажрибага эга бўлган маҳаллий деҳқонлар эса Мирзачўлда ижарачилар сифатида ҳам яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

1911 йилда Мирзачўлда 11931 десятина суғориладиган ерлар бўлиб, уларнинг қарийб бешдан бир қисми (19%) буюк княз мулки бўлган. 1962 десятинали (16%) – давлат ерлари бўлиб, улар ҳам ижарага берилган эди. Мирзачўлга келган ишбилармон ва келгинди авантюристлар катта фойда кўрар эдилар. Мирзачўлдаги давлат ерларининг энг йирик ижарачиларидан бири бўлган италян фуқароси Фара 430 десятина ерни ижарага олган эди.

¹ Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем. П., 1914. С.70-78

Чорикорларга ерлардан ташқари, омоч ва хўкизларни ҳам ижарага бериб, кейинчалик унинг тўрига тушиб қолган камбағалларнинг деярли ҳамма нарсасини тортиб оларди.

6-§. Сирдарё вилоятидаги айрим жой номлари

Сирдарё вилояти Мирзачўл минтақасида жойлашган бўлиб, маркази Гулистон шаҳри. Ундан олдин мавжуд бўлган шаҳар типигаги (қишлоқ Мирзачўл ўрнида юзага келди. «Гулистон» ўзбек тилида — гуллар ўлкаси, атиргул жойи деган маънони билдиради.¹ Бугунги кунда Бахт, Ширин, Янгиер, Сирдарё, Гулистон каби гўзал шаҳарларни ҳамда Боёвут, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос, Сайхунобод, Сирдарё каби туманларни ўз ичига олган Сирдарё вилояти мустақил Ўзбекистоннинг энг нуфузли вилоятларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Президентимиз И.А.Каримов сирдарёлик сайловчилар билан 1999 йил 10 декабрда бўлган учрашувда: «Нима эмиш, Сирдарёнинг тарихи 1963 йилдан бошланар эмиш. Гўёки бу ерда вилоят ташкил топгунга қадар ҳаёт бўлмагандек. «Хой, барака топгур, бунақа бемаъни гапни қаердан олдинг?», дейдиган одам йўқ. Сирдарё тарихи-халқимизнинг тарихини узвий бир қисми сифатида жуда узоқ ва қадимийдир», - деган ҳақ гапни айтдилар.²

Сирдарё вилояти Сирдарёнинг ўрта оқими чап қирғоғини эгаллаган. Вилоят ҳудуди географик жаҳатдан жанубдан шимоли-ғарбга томон пасайиб борадиган текисликдир. Унинг катта қисмини Мирзачўл эгаллаб, шарқда Сирдарё дарёси билан чегараланади. Тоғ, тоғолди, пасттекислик ва чўл зоналарининг қўшилиб кетиши вилоят ҳудудининг ўзига хослигини ташкил этади. Айнан бу ҳолат бу ерда дехқончилик, чорвачилик ва тоғ-кон ҳунармандчилигини ўз ичига олган иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаган.Шунингдек, вилоятнинг эгаллаган қулай географик ўрни сабабли, бу ерда қадимдан савдо-сотиқ тараққий этган.

Мустамлака тузуми даврида ҳаётимизнинг кўпчилиқ соҳаларида бўлганидек, Сирдарё вилояти тарихини ёритишда ҳам маълум сиёсий мақсадларини кўзлаб, сохталаштиришлар амалга оширилди. “Мустабид тузум» мафкурачилари ўтмишимизни камситишга, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни менсимасликка, донишманд аждодларимизнинг теран тафаккури, ҳаёт фалсафаси билан йўғрилган анъаналаримизни топташга, бир сўз билан айтганда, тарихимизни сохталаштиришга уринганлиги сизларга маълум”, деб таъкидлаган эди. Президентимиз И. Каримов.³ Ўша даврда Сирдарё тарихининг бошланиши пролетар доҳийси номи билан, ҳаттоки вилоят тарихи 1963 йилдан бошланган, деган асоссиз фикрлар билдирилди. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаганимиздек, Сирдарё тарихи халқимиз

¹ Халимов Р. Топонимика. Самарқанд? 2001. 51- бет

² www.press-service.uz

³ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т. 1998

тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё «Дану» деб, қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келганидан сўнг бу дарё солномаларда «Сайхун» деб юритилади. Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра вилоятимиз Сўғдни Чоч билан, Сўғдни Фарғона орқали Хитой билан боғлайдики, муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотиқ ва ўтиб келаётган карвонларни таъминлаш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди.¹

Қадимги Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим ёзма манба қадимги грек тарихчиси Аррианнинг «Искандарнинг ҳарбий юришлари» асаридир. Милодий II асрда яшаган Арриан ушбу асарида Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари ҳақида батафсил маълумот беради. Шубҳасиз, муаллиф воқеаларни ёритишда ўша давр манбаларидан фойдаланган. Унда ёзилишича, милoddан аввалги 329 йили Сўғд пойтахти Мароқандни олган Искандар шимоли-шарққа Танаис (Яксарт-Сирдарё) томон юриш қилади. Мароқанднинг ён атрофидаги қишлоқ аҳолисининг қаттиқ жазолаганлигидан хабардор бўлган маҳаллий қабилалар бу юришга қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Жумладан, Аррианнинг ёзишича, Уструшонанинг тоғли аҳолиси юнон-македон қўшинининг озиқ-овқат йиғувчи отрядларини тор-мор этадилар. Мана шу ерда Уструшона қаердалиги тўғрисида аниқлик киритиб ўтсак.

Вилоятимиз илк бор алоҳида ўлка Уструшона сифатида Бейши, Суйши ва Таншу каби Хитой йилномаларида тилга олинган. Ундан олдинги манбаларда ўлкамиз Шарқий Цао деб юритилади. Отрядни тор-мор этгандан сўнг, бундан ғазабланган Искандарнинг катта қўшин билан келаётганини эшитган маҳаллий аҳоли барча томонлари тик қоя бўлган тоққа чиқиб, яширинганлар. Улар сони ўттиз минг киши атрофида бўлган. Искандар уларни катта қийинчилик билан енга олган. Шундан сўнг Александр Танаис томон йўл олган. У ерда Александрия-Эсхата шаҳрини барпо этади.

Александрия-Эсхатадан ташқари Арианда Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган яна 7 та шаҳарнинг номи тилга олинади.

Юқоридаги фикрларимизда Уструшона Хитойнинг Таншу йилномасида ҳам зикр этилган, дсб айтган эдик. Айнан ўлкамизнинг тўлароқ номланиши Тан йилномасида берилган. Унда ўлкамиз Шуайдушана, Суйдушана номлари билан берилади. Тан императорлари саройида ўлкамиз, шунингдек, Лайвий-мағрурлигини сезган ҳолда бўйсунмоқ маъносини билдирувчи ном билан ҳам аталади.

Вилоятимиз қадимги аҳолисининг тили сўғд тилига яқин Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Ўлкамизда зарб этилган 6-8 асрларга оид тангалар Уструшонанинг илк ҳукмдорлари

¹ Кудратов С. Сардобалар ўлкаси. Т. 2001. 4 бет

Чирдмиш, Сатагари, Раханг ҳақида бизга маълумот беради. Ҳокимият отадан болага ўтган.

VIII аср бошида Уструшонага араблар бостириб киради, 893 йили афшинлар ағдарилиб ташланиб, Уструшона сомонийлар давлати таркибига кирган.¹

Ўрта асрдаги Уструшона ҳақида бирмунча тўлиқ маълумотлар араб ёзма манбаларида мавжуддир. Уларда айтилишича, ўлка худуди Хўжанддан Самарқандгача, Сирдарё дарёсидан ва Мирзачўлдан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган. Истахрийнинг малумотиغا кўра. Уструшонани кўпгина қисми тоғлар эгаллаган бўлиб, унда «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ».²

Н. Негматов фикрича, Уструшонанинг текис қисмида Бунжикат, Сабат, Зомин, Шавкат, Фагкат рустаклари, тоғли қисмида эса-Минк, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вакр, Шагар, Масча, Бургар ва Буттам рустаклари жойлашган.³

Уструшонанинг пойтахти Бунжикат шаҳри бўлган. Уйлар ва бошқа иморатлар лой ва ёғочдан қурилган. Шаҳарда саройлар, ҳовлилар, боғлар, узумзорлар, масжид ва қамоқхона бўлган. Бунжикат серсув бўлиб кўпгина тегирмонлари бўлган. Ташқаридаги деворда тўртта дарвоза бўлиб, улар Зомин, Марсманда, Нужакет ва Каҳлобод йўналишида бўлган. Бунжикат Тожикистондаги Шаҳристон қишлоғи жойида жойлашган.

Иккинчи йирик шаҳар Зомин бўлган. У Фарғонадан Сўғдга олиб борадиган катта йўл бўйида жойлашган. Унинг бошқа номи Сарсанда (Сусанда) бўлган. Уни араб сайёҳи Ҳавкал бориб кўрганида, эски шаҳар харобаларига айланган, бозор ва масжид “янги” шаҳарга ўтказилган бўлган.⁴

Зоминдан сўнг кўпинча Дизак (Жиззах) тилга олинади. Бу шаҳар текисликда, Сўғддан Шошга олиб борадиган карвон йўлида жойлашган бўлиб, Фекнан рустаки маркази бўлган. Дизак кўп сонли работлари ва узоқ элларга танилган жундан ишланган кийимлари билан машҳур бўлган.

Мамлакатни афшинлар деб номланган подшоҳлар бошқарган. Шу муносабат билан араб тарихчиси Хилол ас-Саби халифа ал-Муътазим биллоҳ «Ҳайдар бин Қовусни ал-Афшин лақаби билан нишонлади, чунки у уструшоналик бўлган, алқафшин эса уларнинг тилида «подшоҳ» демакдир деб ёзади.⁵

Ривожланган ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида бирмунча кўпроқ маълумотлар бор. Уструшона бошқа ўлкаларга қараганда араблар томонидан кечроқ босиб олинган, чунки Унинг аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатган. 752 йил ўлка ҳокими хитойлилардан ёрдам сўраган, лекин рад жавобини олган. Фақат 893 йилдагина Афшинлар сулоласи ағдарилиб, Уструшона сомонийлар давлати таркибига кирган.

¹ Кудратов С. Сардобалар ўлкаси Т. 2001. 7 бет

² Гафуров Б. Таджики. Душанбе, Ирфон 1989. 54 бет

³ Негматов Н.Н. Уструшона в древности и раннесредневековье. С., 1957

⁴ Древний Заамин.-Т., 1994.

⁵ Гафуров Б. Таджики. Душанбе, Ирфон, 1989. С.75

Сирдарё вилояти ҳудудида араб географлари томонидан эслатиб ўтилган иккита манзилгоҳ бор. Бу Сабат ва Ховосдир. Сабат ўша номдаги рустакнинг маркази бўлган. Географларнинг бир қисми Сабатни Уструшона шаҳарларидан бири дейишса, (Истахрий, Хавкал, Ёкут), айримлари (Муқаддасий, Кудамий) уни қатта қишлоқ бўлган, деб ҳисоблашади.

Ўрта асрлардаги Ховос ўша номдаги рустакнинг маркази бўлган. Ёзма манбаларда у ҳақдаги маълумотлар деярли учрамайди. Араб географлари аса уни фақат қарвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади.

Ривожланган ўрта аср даврида Ховос шаҳар бўлмаган.

Республикамиз мустақилликка эришганлиги шарофати туфайли тарихимизни кўпгина масалалари сингари юртимиз ҳудудида шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиш масаласида ҳам ҳаққоний ва ҳолис фикрлар билдириш имконига эга бўлди. Юртимиз мустақиллигини кўролмаётган айрим сиёсий кучлар кимсалар Ўзбекистон ўзининг мустақиллик давлатчилиги тарихига эга эмас, шу сабабли улар ўзларини ўзлари мустақил бошқара олмайди, деган тўхмат ва бўҳтонлар билдиришмоқда.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимиз ҳудудида давлатчилигининг пайдо бўлиш масаласини ўрганиш тарихчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардандир. 1998 йил ёзида Республика Президентининг юртимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида билдирган фикрлардан сўнг Ўзбекистон давлатчилигини ўрганиш борасида бир ўатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона воҳаларда давлатчилигининг пайдо бўлиш масаласида Академик Яҳё Ғуломов номидаги Республика «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» семинари ва бир қатор бошқа анжуманлар уюштирилди, уларда юртимиз тарихий — географик ўлкаларида давлатчилигининг пайдо бўлиш масаласида янги илмий мосланган фикрлар билдирилди. Бироқ, Сирдарё воҳасида давлатчилиги тизимини пайдо бўлиш масаласи тарихчилар эътиборидан четда қолдирилган эди. Бунга маълум маънода Сирдарё қадимда ва ўрта асрларда, кимсасиз чўл бўлган ва бу ерлар Шўролар ҳукмронлиги давридагина ўзлаштирилган, деган нотўғри тушунча ҳам сабаб бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёлғон эканлигини юқоридаги аниқ маълумотлар орқали исбот қилиш мумкин.

Зеро, Сирдарё тарихи ҳам ўзбек давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида узоқ тарихга эга эканлиги мустақиллик шарофати туфайли ҳақиқат юзага чиқди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, асосан пахтачилиги янада юксалтириш кўзда тутилган эди. Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. 1963 йил Сирдарё вилояти ташкил топди.¹

Энди Сирдарё вилоятидаги айрим жой номлари, яъни топонимлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

¹ Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Т. Ўқитувчи, 1996. 124 бет

“Топонимика” атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, «топос» — жой, «оном» ёки «онима» — ном, умуман жойнинг номини ўрганадиган фан, деган маънони билдиради. Тил халқниги, жой номларини ҳам халқ яратади.

Сирдарё — вилоят ва туман номи. Бу ном худди шу худуддан оқиб утаётган дарё номидан олинган. Қадимги юнон тарихчиларининг асарларида Яхартес (Яксарт), баъзан Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Дану, Яоша. X асрда ёзилган «Худуд ал-олам» қўлёзмасида Ҳашарт, руник туркий ёзувларда Енчўғуз, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ва Ҳамдаллоҳ Казвинийнинг «Нузҳат ал-кулуб» (Қалблар хузури, 1339 йилда ёзилган) асарида Гулзарриюн, араблар келганидан сўнг кўпгина солномаларда Сайхун, араб географи Ибн Ҳордабех асарларида (IX) аср Хишарт ва Қанқар, Беруний асарларида Хасарт шаклида тилга олинган.

Шуни айтиш керакки, Яхартес ва Яксарт ҳам, Ҳахарт ва Енчўғўз ҳам «Марварид» (инжу) дарёси деган маънони англатган.

Хўш, дарёнинг ҳозирги номи — «Сирдарё» қачон пайдо бўлган? Рим тарихчиси Плиний (I аср) дарёни скифлар Силс дейдилар, деб ёзган. Баъзи олимлар (В.В.Бартольд, С.Г.Кляшторний, Х.Ҳасанов) Силис — «Сир» сўзининг ўзгинаси деб биладилар ва уни дарё атрофида яшаган сар (силис — сир) деган қабила номи билан боғлаш тўғрироқдир, деб ҳисоблайдилар. Демак, Сирдарё қадим замондаёқ ўрта ва юқори оқимларида Яксарт, қуйи оқимида Силис (Сир) деб аталган.¹¹

XIII-XIV асрларда Сирдарё этагидаги Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набираларининг ўрдаси Сир-ўрда деб аталган. Бу фактлар дарёнинг қадимий номларидан бири, икки минг йил давомида халқ оғзида сақланибгина қолмасдан, кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннаҳрни босиб олгач, аста-секин дарёнинг асосий номи Сирдарё бўлиб қолганини кўрсатади.

«Сирдарё» сўзининг маъноси нима? Дарё номи "Сир", яъни "ранг, бўёқ", "сарик дарё" (лойқа сувли дарё), "сероб" (серсув), "сирли дарё" деган маънони билдиради, деювчиларнинг фикрлари нотўғри эканлигини Х.Ҳасанов айтиб ўтган эди. Бу азим дарё шу атрофларда яшаган сак (силис, сир) деган қабила номи билан аталган дейиш тўғридир.² Бу ном 1963 йилда Сирдарё вилоятига берилди.

Боёвут — Сирдарё вилоятидаги туман ва қишлоқнинг номи. Боёвут қадимги мўғул қабилаларидан бири. Шунингдек, Боёвут 92 бовли ўзбек қабилаларидан бири сифатида, чунончи, XVI асрдаёқ фарғоналик Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг "Мажму ат-таворих" асарида қайд килинган. Боёвут мўғул тилида "бойлар" демакдир (алповут — алплар, баҳодирлар). Р.Г.Кузеев Боёвут қабиласининг бир қанча туркий халқлари таркибидаги бой, бойдор, бойлар, боёт каби этнонимлар билан генетик жиҳатдан бир эканлигини исбот қилди.

¹¹ Бектурдиев Ш. Топонимика. Маъруза матнлари. Гулистон, 2000.

² Қораев С. Географик номлар маъноси. Т. Ўзбекистон, 1978. 112 бет

Боёвут тумани тарихи яқин ўтмиш ҳужжатларида ёзилганидек, 1961 йил 5 апрелдан, Боёвут шаҳарчасининг ташкил топиши 1964 йил 25 июлдан бошланади. Аслида эса "Боёвут" атамаси ҳақида атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов қуйидагича маълумот беради: "Боёвутликлар кўриқда кулф урган ҳаётларидан мамнун, фахрланишади. Ўтмишни ҳам унутишмайди. Ёшу қари — барча қишлоқнинг тарихини билади. Тарихи эса шундай: бу томонларга Чингизхон ўрдалари бостириб келганида (1219 й), қишлоқ аҳли душманга тиз чўкмади. Жанглардан бирида ёвқир бир йигит мардлик кўрсатиб, душман қароргоҳига ўт қўйиб юборди. Қишлоқ оқсоқоли унинг жасоратини кўриб, жангдан кейин суриштиради: "Менга бояги ўт юрак йигитни " кўрсатинглар. Бояги ўт йигит қани?" Афсуски, ҳамқишлоқлар бу илтимосни бажо келтира олишмайди: бояги ўтюррак йигит жангда ҳалок бўлганди. Шу тариқа қишлоқни ҳам "Бояги ўт", "Боёвут" деб атаёт бошлайдилар.¹

Хуллас, «Боёвут» сўзининг келиб чиқиши ўзбек уруғлари номидан олингани аниқ ва бу маълумотлар турли адабиётларда турлича талқини кўзга ташланади.

Ховос — Сирдарё вилоятидаги туман ва қишлоқ номи. Бу қадимий қишлоқ номи дастлаб Истахрий, Ибн Ҳавкал, Мукаддасий асарларида тилга олинади. Илмий этимологияси аниқ эмас, лекин халқ тилида ҳозирги Ховос шаҳарчасига нисбатан қуйидагича изоҳланади. Европа усулида, темир йўлларининг кесилиш бўғинида жойлашган, дастлабки шаҳарча кўринишида бўлгани учун ҳам атроф қишлоқдагилар бу ерни томоша қилишни ҳавас қилганлар. Шунинг учун ҳам Ҳавас, кейинчалик эса Ховос бўлиб айтилган, дейилади.

Яна бошқа маълумотларда қадимда бу ерда мавжуд бўлган карвонсаройда бир бой киши бўлиб, унинг Ҳавас исмли гўзал қизи бўлган. Шу қизнинг номига жой номи Ҳавас деб аталиб, кейинчалик талаффузда Ховос бўлиб кетган, дсйилган.

Бутунги Ховос тарихи айримлар ёзганидек, 1966 йил 23 августдан бошланмайди. Ховос жуда қадимий диёр. Бироқ бағрида доимо яшариш, янгиланиш жўш уриб туради. Афсуски, Ховос бино бўлибдики, бунёдкор халқи юрт озодлиги, эл омонлиги учун доимо курашиб келадилар. Форс-Эрон босқини Искандар Зулқарнайн бошлиқ юнон-македонлар тажовузи, араблар истилоси, мўғуллар ваҳшийлиги ва ниҳоят, чор Россияси қўшинларига қарши кураш... Ховос ҳаммасини бошидан кечирди.

Туман номига келсак, яна бошқа маълумотларда Форс лашкарбошиси Қаҳқаҳ қизининг исми Хавасдир. У ерлик жасур йигитни севиб қолади, уруш тўхтади. Хавас ободончилик ишларига раҳнамо, маҳаллий халққа меҳрибон бўлганлиги туфайли ушбу туман Хавас — Ховос номини олади.

Ушбу афсоналар қанчалик ҳақиқатга яқинлиги юқоридаги келтирилган маълумотларга ўхшашлигидан аниқлаш қийин бўлмаса керак.

¹ Рашидов Ш.Р. Танланган асарлар. Т. Ўзбекистон, 1978

Мирзачўл — номининг келиб чиқиши 1900 йилга бориб тақалади. Тошкентлик бир бой 1900 йилда чўлга сув чиқариб экин эккан. Унинг исми Мирза бўлиб, у мардикорларни олиб келиб, ишлатган. Экинлар яхши бўлгани учун бой мардикорларга яхши ҳақ тўлабди. Буни эшитган одамлар ҳар томондан кўчиб кела бошлабдилар. Одамлар кўчиб келаётган кишиларга «қаерга кетаяпсизлар?» дейишса, «Мирзанинг чўлига кетяпмиз», деб жавоб беришар экан. Унинг эккан қовун-тарвузлари шаҳар бозорларида яхши сотилар экан. «Бу маҳсулотлар қаердан келтирилган?» десалар, сотувчилар «Мирзанинг чўлидан», яъни Мирзачўлдан деб айтишар экан. Шундан сўнг бу ерга Мирзачўл номи берилган экан. Яна бошқа маълумотларга кўра чўлда биринчи ўзлаштириш бошланганида ерлар ҳайдалиб, ўзлаштириладиган ерларга марза тортилган экан (марза — тупроқ уюмидан тортилган чегара). Халқ шу ерларни марза тортилган ер деб аталган. Кейинчалик бу ерлар «Марзачўл», талаффузда бузилиб «Мирзачўл» бўлган, дейилади.

Яна айримлари Мирзачўл дегани куп-қуруқ, «оч чўл» дегани дейишади. Уни бу ерга келган руслар "Голодная степь" деб атаганлар.

Мирзачўл 1917 йилга қадар Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига қарашли бўлиб, кейинчалик, Туркистон Автоном Республикаси — Голодностепская уездига ўгди. Мирзачўл 1923 йили кўрғон, 1925 йили туман деб эълон қилинди.¹ Мирзачўл 1948-50 йилларда шаҳар типдаги кўрғон номини олиб, 1952 йилга келгач, шаҳар номига эга бўлди.

Ҳозирги кунда Мирзачўл номи билан Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги биргина посёлкага Мирзачўл номи берилган.

Юқорида келтирилган Мирзачўл шаҳарча-кўрғон дейилгани бу ҳозирги Гулистон шаҳрига айланган.

Сабот (Савот) — Ховос туманидаги қишлоқ. Ҳозир Янгиобод туманига қарайди. Бу қишлоқ тарихий жой бўлиб, катта савдо йўли устида жойлашган. Бу ном араб географи Ибн Ҳавкал, Истахрийн ва Макдисий асарларида тилга олинади. Сабот — арабча ном бўлиб, «ём», «бекат», «карвонсарой» демакдир.

Тўпак — Мирзаобод туманидаги қишлоқ. Ўзбек уруғларидан бўлган парчаюз уруғининг бир бўлаги тўпак деб аталиб, ном шундан олинган.

Сўфи қишлоқ - Мирзаобод туманидаги қишлоқ бўлиб, қишлоқда динга берилган сўфилар кўп бўлгани учун қишлоқ кейинчалик халқ орасида шу ном билан аталган дейилади.

Қорасийроқ - Мирзаобод туманидаги қишлоқ номи бўлиб, парчаюз уруғининг бир бўлаги. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини шу уруғ вакиллари ташкил этади. «Сийроқ» — «юз», «бет» деган маъноларни билдиради. Уруғ бошлиғи юзи қора бўлгани учун «сийроғи қора», «Қорасийроқ йигит» деб

¹ Ўроқли Ғ.Н. Гулистон гуллари ўлкаси. Гулистон: Зиё, 1995. 22 бет

чақирилган. Шундан сўнг ушбу ном кенг оммалашиб қишлоқа ҳам айнан шу ном берилади.

Бешқўш — Мирзаобод туманидаги қишлоқ бўлиб, ўзбек уруғларидан бирининг номи. Асосий аҳолиси “беш қўш” уруғидан бўлгани учун ушбу қишлоқ номини олган. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан Зомин тоғларидан кўчиб келган.

Сирдарё вилояти маркази бўлган бугунги кундаги ўз чиройини кўрсатиб ривожланиши сари илдам бораётган Гулистон шаҳри, яъни Гулистон номининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Гулистон шаҳри XVI асрдан эътиборан Аччиққўл номи билан маълум.¹

Гулистон — Сирдарё вилояти маркази ва туман номи. Мирзачўл ерлари гулистонга айлантирилади, деган мақсадда халқимиз ҳалол ва тинимсиз меҳнатлари эвазига чўлда каналлар қазиб, сув чиқариб, тақир ерларни боғу-бўстонга айлантиришди, ўнлаб қишлоқ ва шаҳарчалар бунёд этишди. Мирзачўлнинг маркази саналган ва аввал Мирзачўл станцияси деб юритилган жойга, яъни 1959 йили собиқ Мирзачўл шаҳрига Гулистон номи берилди.²

Гулистон шаҳри 1923 йил Мирзачўл аҳоли кўрғони эди. 1952 йилда шаҳар мақомини олиб, 1901 йил 8 майда Гулистон шаҳри деб аталган. «Дўстлик» маҳалласи, собиқ «Октябрь» колхозини ўрнида 1992 йил 27 январь куни ташкил топди.³

«Гулистон шаҳрининг бугунги кунда ўз номига муносиб тарзда чирой очиб, тобора кўркамлашиб бораётганини алоҳида эътироф этмоқчиман», - деган эди Президентимиз И. Каримов 1990 йил 5 мартда Гулистон шаҳрини Сирдарё вилояти маркази сифатида тиклашганида.⁴

Паромовул — Гулистон туманидаги қишлоқ номи. Бу қишлоқ дарё бўйида жойлашган бўлиб, дарёдан кечиб ўтиш учун паром шу қишлоққа ном тариқасида қўйилган. Қишлоқ шунинг учун ҳам Паромовул деб юритилган. Жувонсийроқ - Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги қишлоқ номи. Жувонсийроқ - этноним: айнан «почаси йўғон» деган маънони билдиради.

Обитавон — Сайхунобод туманидаги қишлоқ номи. XIX аср охирларида Россиядан кўчиб келган руслар томонидан бунёд этилган бўлиб, «Обетованный» (обетованная земля) — «орзу қилинган ер» деб аталган. Кейинчалик маҳаллий халқ уни Обитавон деб ўзлаштириб олган.

Шўрўзак — Сайхунобод туманидаги қишлоқ ва ариқ номи. Ўзак сўзидан таркиб топган. Хусусан сув жой номлари ўрнида ўзак, ўкўзак (дарёча) сўзининг ўзгаришидан пайдо бўлган.

Сардоба — Сирдарё вилояти Оқ Олтин тумани маркази бўлиб, Самарқанд вилояти Пахтачи туманида ҳам Сардоба қишлоғи бор. «Сардоба»-тожикча сард-совук, об-сув

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сурдари́нской облсти. Т. Фан, 1992., С.5.

² Ўроқли Ғ.Н. Гулистон гуллар ўлкаси. Гулистон: Зиё, 1995. 22 б.

³ Муҳаммад П.Д. Сирдарё кеча ва бугун. Гулистон, 2002

⁴ Ўша жойда. 31-б.

сўзларидан ҳамда от ясовчи -а кўшимчасидан таркиб топган бўлиб, «муздек сув сақланадиган жой» деган маънони билдиради. «Сардоба» асли сув иншооти номи. Оқар суви бўлмаган жойларда усти гумбазсимон қилиб ёпилган, таги ва деворлари тош, ғишдан терилган, сув қирадиган тешиги, устида мўриси ва сувидан фойдаланиш учун одам кириб чиқадиган махсус жойи бўлган кадимий сув ҳавзаси Сардоба деб юритилган.

Қамаристон – Сирдарё шаҳридаги яшаш шаҳарчаси. Тарихдан беҳабар бўлганлар уни комар, яъни чивинлар макони дейди. Аслида эса бу ерда бўлган кўл суви сатҳидан ой қамар акс этиб тургани учун бу шаҳарча Қамаристон деб аталади.

Бахт шаҳри 1913 йилда Ўрта Осиё темир йўли устида дастлаб бекат, сўнгра Велико-Алексеевск номли аҳоли кўрғони сифатида шаклланди. 1961 йил 11 октябрдан бошлаб Бахт номи билан маълумдир. 1995 йилда 22 декабрда шаҳар мақомига лойиқ деб топилди.¹

Янгиер шаҳри тарихи 1957 йил 15 мартдан бошланган. Янгиер чўлқуварлар шаҳри сифатида ном таратган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, шўро тузумидан қолган эскн номлар ўрнига янги мазмунли жой номларига алмаштирилди. Бу ҳам мустақилликнинг меваси, ўзимизга хос, ўзимизга мос, яшаб турган жойимизнинг номини танлаш имконини яратганлигининг яққол мисолидир.

Жойга ном бериш жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Шу ердаги кишиларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлса, жой бир хил, деҳқончилик бўлса, иккинчи хил, саноат бўлса, учинчи хил ном олиши мумкин. Шундай қилиб, ном жойининг хусусиятларинигина эмас, балки шу номни қўйган жамиятнинг хусусиятларини ҳам акс эттиради. Жой номларини таҳлил қилаётганда ана шу муҳим қоидаларни назарда тутиш зарур, бу қоида топонимиканинг асосий қонуни деб ҳам аталади.

7-§. Яна тарихга назар... ёки Мунтасир ким бўлган?

Бугунги кунда Ватан тарихини барча ватандошларимиз қизиқиб ўрганишмоқда. Уларни Ўзбекистон тарихи, аجدодларимизнинг маънавий-маданий мероси қизиқтирмоқда. Шунингдек, миллий қаҳрамонларимиз номларини тиклаш каби шарафли ишга ҳисса қўшиш мақсадида, оқсоқолларимиз кунт билан бўш вақтларида тарихимизни ўрганиб, янги ташкил этилаётган қишлоқлар, темир йўл станциялари, сўнгги йилларда халқ фаровонлиги йўлида ажратилган янги ер майдонларида қурилаётган янги маҳалла ва кўчаларга ном бериш масаласида ўз таклифларини киритишмоқда.

¹ Муҳаммад П.Д. Сирдарё кеча ва бугун. Гулистон, 2002. 54 бет

Бу борада Сирдарё вилояти ҳудудида янги қурилажак темир йўл станциясига Абу Иброҳим Мунтасир номини бериш таклифи киритилди. Табиийки, “Мунтасир ким бўлган ўзи?”, деган савол туғилди. Абу Иброҳим Мунтасир ҳақида бир қатор тарихий манбаларда ва адабиётларда жуда қисқа, бир-бирига ўхшаш маълумотлар келтирилган.

Сомонийлар давлатида Исмоил Сомоний вафотидан сўнг 907-914 йилларда Аҳмад ибн Исмоил ҳукмронлик қилган. Аҳмад ибн Исмоил ўз куллари томонидан ов пайтида ўлдирилганидан кейин тахтга унинг ўғли Наср II (914-943 йй.) ўтирган. 943 йилга келиб унга фитна уюштирилганидан кейин, Наср II тахтдан ўз ўғли Нух ибн Наср фойдасига воз кечади. Нух ибн Наср 943-954 йиллар давомида Сомонийлар давлатида ҳукмронлик қилди. Нухнинг тўнғич ўғли Абд ал-Малик I Сомонийлар давлатида 954-961 йилларда ҳукмронлик қилди. Унинг даврида турк гвардияси бошлиғи Алптегиннинг таъсири кучаяди. Абд ал-Малик вафотидан кейин унинг кичик ёшли ўғли эълон қилинди, бироқ у фақат 1 кун ҳукмдор бўлиб, тахтга Мансур ибн Нух Сомоний (961-976 йй.) ўтказилди. Мансур вафотидан кейин тахт унинг ўғли Нух II га (976-997 йй.) ўтди. Нух II вафотидан кейин 997 йилда тахтга унинг ўғли амир Мансур ибн Нух ўтиради (997-999 йй.) . Ундан сўнг унинг акаси Мансур абд ал-Малик II тахтга ўтиради (999 й.)¹

Унинг даврида Маҳмуд Ғазнавий Хуросонни эгаллаб олади, Абд ал-Малик II Сомоний ҳукмронлиги остида эса фақат Мовароуннаҳр қолади, холос. Сомонийлар давлати заифлашиб қолади.

XI асрнинг дастлабки йилларида Мовароуннаҳрни Қорахонийлар эгаллаб олишади. Уларга қарши Абд ал-Малиkning укаси Абу Иброҳим Исмоил ибн Нух кураш олиб бориб, Мунтасир (“ғолиб”) номи билан машҳур бўлган. Мунтасир Бухородаги Қорахонийлар ноибини ҳайдаб, шаҳарни эгаллайди. Қорахонийлар ҳукмдори Наср-илоқ билан курашда енгилиб, Хуросонга йўл олади ва Маҳмуд Ғазнавийга қарши курашади. Бироқ бу кураш муваффақиятсиз тугайди.

1003 йилда Мунтасир Мовароуннаҳрга қайтиб, иккинчи марта Қорахонийларга қарши қўзғолон кўтаради. Унга туркийзабон қабила бўлган ўғузлар ёрдам беради. Дастлаб Мунтасир Наср-илоқ қўшинларини тор-мор келтириб, 18та қорахоний саркардани асир олган бўлса, тез орада ўлжани бўлиш пайтида ўзаро низо чиқиб қолади. 1003 йл кузида Мунтасир 700та жангчиси билан Амударёдан кечиб ўтиб, Абивард ёки Нисода тўхтамоқчи бўлди, аммо у Хоразмшоҳ қўшинлари билан бўлган жангда мағлубиятга учради ва Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлди.

Кейинчалик Қорахонийларга қарши курашда Мунтасир Бухородаги қорахонийлар ноиби қўшинлари устидан ғалаба қозонади. Ушбу муваффақиятлар натижасида Мовароуннаҳрнинг бир қатор ҳудудларида Сомонийлар ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат бошланади. Бурнамад

¹ Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Книга II. Душанбе:Ирфон, 1989. С.105-107

ёнидаги (Сўғд ва Уструшона чегарасида) Мунтасир Наср-илоқнинг асосий кучларини тор-мор келтиради¹.

Бироқ бу муваффақиятга қарамасдан, Мунтасир Мовароуннаҳрда ўрнаша олмади, чунки илоқ янги қўшин йиғиб Жиззах ва Ховос оралиғидаги текисликда унга ҳужум қилди. Мунтасирга ёрдам бераётган ўғузлар Бурнамад ёнидаги жангда катта улжани қўлга киритиб олганларидан кейин, жангни давом эттирмасдан ўз қароргоҳларига қайтиб кетишди. Бундан ташқари Мунтасирнинг йирик саркардаларидан бири унга хиёнат қилиб, 4 минг жангчи билан илоқ томонига ўтиб кетди. Мунтасир илоқ қўшинига қарши туролмай, Хуросонга қочишга мажбур бўлди. Бироқ шунда ҳам у Сомонийлар давлатини тиклашни мақсад қилиб, тез орада янги қўшин йиғиб, тўртинчи маротаба Мовароуннаҳрга йўл олади. Бироқ бу сафар ҳам унинг саркардалари хиёнати натижасида, Мунтасир мағлубиятга учрайди. 1005 йил бошларида Хуросонда Мунтасир кўчманчи қабилалардан бирининг бошлиғи томонидан ўлдирилади. Бу ҳақда Утбий, Г.Пугаченкова, Ю.Буряков ва А.Грициналар ҳам эслатиб ўтишади.²

Мунтасир Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлигини тиклаш учун тинимсиз (узлуксиз) курашган ушбу сулоланинг яккаю ягона вакили эди. Сомонийлар сиёсий ва иқтисодий жихатдан заифлашгани ҳамда аҳолининг асосий гуруҳлари уларни қўллаб-қувватламагани туфайли Мунтасирнинг барча уринишлари зое кетган эди. Мунтасир вафотидан сўнг Сомонийлар меросини бўлиб олиш учун Маҳмуд Ғазнавий ва Қорахонийлар ўртасида кураш давом этади.

“Қадимги Зомин” монографиясининг учинчи бобида 992 йилда Қорахонийлардан бўлган Буғро-хон Хорун Илоқ ва Бухорода танга зарб этгани, демак Уструшонани ҳам эгаллагани, бироқ ўша йилдаёқ Мовароуннаҳрдан кетишга мажбур бўлгани, у ерга сомоний Нух бин Мансур қайтиб келгани ёзилган³. 994 йилда Фарғона ва Хўжандда қорахонийлардан Наср бин Али танга зарб этган. 996 йилда Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасида сулҳ тузилиб, унинг шартларига кўра Самарқанд шимолидаги Катвон чўли икки давлат орасидаги чегара бўлиб қолди.⁴ Ўша даврдаёқ Уструшона Қорахонийлар давлати таркибига кирган бўлиши мумкин. 999 йилда Наср бин Али Бухорони эгаллайди в кейинчалик Сомоний Исмоил бин Нух Мунтасир билан курашади, жумладан Уструшона худудида ҳам бир неча йил давомида (1000-1004 йиллар)⁵ кураш олиб боради.

Хуллас, кўпчилик тарихий адабиётларда юқорида келтирилган маълумотлар берилади. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Абу

¹ Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Книга II. Душанбе: Ирфон, 1989. С.105-107

² Қаранг: Утби Абу Наср Муҳаммад ибн Абд ал-Джаббар. Тарих-и Йамини. // Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X-XIX вв. Т., 1988. С.37-45; Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Дехистана, Абиверда и Серахса. // Труды ЮТАКЭ. Т.2. Ашхабад, 1956. С.83; Ю.Буряков, А.Грицина “Мавераннахр на Великом Шелковом пути” Самарканд-Бишкек, 2006. С. 144

³ Қаранг: Древний Заамин. Т.:Фан, 1994. 67-б.

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.1. М., 1963. С.324-325

⁵ Ўша жойда. 331-332 б.

Иброҳим Исмоил ибн Нух (Мунтасир) ҳақиқатдан ҳам Қорахонийларга қарши курашиб, Сомонийлар давлатини тиклаш мақсадини ўз олдига қўйган эди. У ўз мақсадига эриша олмади. Мовароуннаҳрда Қорахонийлар, Хуросонда эса Ғазнавийлар ҳукмронлик қила бошлайдилар.

Тарихий воқеалар тафсилотларини ўрганиш учун бир қатор манбаларни, жумладан, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”, В.Бартольд асарларини, Н.Негматовнинг “Государство Саманидов” асарини, Мунтасир қаерда туғилгани ҳақидаги маълумотни тарихий манбалардан, Туркменистон тарихидан унга бағишланган саҳифаларни топиш керак

Хуллас, Мунтасир араблардан бўлмаган, у Сомонийлар сулоласига мансуб шахзода бўлган. Абу Иброҳим Исмоил ибн Нух (Мунтасир) Сомонийлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Абд ал-Маликнинг укасидир. Бизнингча, уни Ўзбекистон тарихида Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш қабилар билан тенглаштириш масаласи баҳслидир. Чунки у арабларга қарши эмас, балки Қорахоний ва Ғазнавийларга қарши, Сомонийлар давлатини тиклаш учун курашган. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлатлари эса Сомонийлар давлати каби Ўзбекистон давлатчилиги тарихида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг этногенези асосан туркий тилли қабилалар билан боғланмоқда.

Шунга қарамасдан, таъкидлаш жоизки, Мунтасир Ватан мустақиллигини (бу ерда сомонийлар давлатини) тиклаш учун курашган тарихий шахсдир. Унинг Ховосда туғилганми ёки бошқа жойда туғилганми ҳақида аниқ маълумот топиш зарур бўлади.

Хулоса

Сирдарё вилояти мустақиллик йилларида

Сирдарё вилояти Мирзачўл марказида жойлашган бўлиб, у 1963 йилда ташкил этилган. Вилоят маркази Гулистон шаҳри. Сирдарё вилояти шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Сирдарё вилоятининг ер майдони 4,3 минг квадрат километр бўлиб, 700 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Сирдарё вилоятида асосан ўзбеклар (60 %), шунингдек, қozoқ, тожик, рус ва бошқа 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. 1 кв. км.га 159 киши тўғри келади.

Сирдарё тарихи - халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё «Дану» деб, қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келгандан сўнг бу дарё солномаларда «Сайхун» деб юритила бошланди. Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра вилоятимиз Сўғдни Чоч, Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотиқ ва ўтиб кетаётган карвонларни таъмирлаш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди. Вилоят ҳудудида 2,5-3 минг йиллик тарихга эга бўлган Эски Ховос, Сағанактепа, Хонтепа, Савот сингари аҳоли манзилгоҳлари бўлган. Сирдарё вилояти ҳудуди илк бор алоҳида ўлка - Уструшона сифатида Хитой йилномаларида илк ўрта асрларда тилга олинади. Қадимда вилоят аҳолиси Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Мўғулсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сой ва чашмалар бўйларида ҳаёт кечиришган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ва аҳолининг бошқа жойга кўчиб кетишига сабаб бўлган.

Қадим манбаларда келтирилган «олчоқ чўл», «аждаҳо чўл», «мирзачўл» каби тавсифлар бу ўлкага назар солганларда кўрқув уйғотган. Чўлнинг узоқ ўтмиши афсоналарга, айтимларга бой. Қолаверса, Мирзачўлнинг Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашганлиги билан боғлиқ ривоятлар ҳам кам эмас. Айтишларича, бир замонлар Чиноздан Жиззахгача бўлган ораликда аҳоли зич яшаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, дунё тарихида илк бор ерни комплекс ўзлаштириш айна бизнинг вилоятимизда амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида республикамизда эришилган ютуқларга бизнинг Сирдарё вилоятимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Республикамиз истиқлолга эришганидан сўнг Сирдарё вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Вилоят саноат соҳасининг асосий турларини мамлакат электр энергиясининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарадиган Сирдарё ГРЭСи ва Фарҳод ГЭСи фаолият кўрсатмоқда. Ундан ташқари пахта тозалаш заводлари, “Гулистонэкстрактёғ” ҳиссадорлик жамияти, “Ховосдон” ва “Оқолтиндон” комбинатлари, “Сарбонтекс” кўшма корхонаси, “Бобур” паррандачилик кўшма корхонаси ва бошқа корхоналар нафақат вилоятимиз, балки республикамиз ички ва ташқи бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Агар 2005 йилнинг 1-ярим йилига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 110,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 45,6 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 35,1 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 39,1 фоизга, пудрат ишлари ҳажми 27,2 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 8,1 фоизга, пуллик хизмат 24,1 фоизга, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 33,7 фоизга кўпайган бўлса, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум бир ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 11,2 фоизга ўсди.

Саноат корхоналарини ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизация ва реконструкция қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ҳажмининг 10 фоизга, жумладан халқ истеъмоли товарлари ҳажмининг 2,2 фоизга ўсишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширалаётган ислохотлар йилдан йилга ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 237,4 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 фоизни ташкил этди ёки белгиланган прогнозга нисбатан 8,2 фоизга кўп бўлди. (прогноз 104,8%)

Жорий йилнинг 6 ойи мабойнида 148,0 млрд. сўм **капитал қўйилмалар** ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 138,0 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари ҳажми 53,6 млрд. сўмни ёки 128.6 фоизни ташкил этди.

Вилоят аҳолисини, айниқса, қишлоқ аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда дастур асосида 19 та аҳоли пунктларига (33,5 минг киши) ичимлик суви таъминоти яхшилаш белгиланиб, амалда 6 ой давомида 14 та аҳоли пунктларида (12,6 минг киши) ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Вилоят бўйича 168,8 млрд. сўмлик **чакана товар айланмаси** амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,0 фоизни ташкил этди. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини ўсишидан далолат бермоқда. Аҳолига 45,7 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,2 фоизни ташкил этди. Вилоятда жами 173,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,6 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 59,2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 193,4 фоизни, шу жумладан ҳудудий экспорт ҳажми 2,0 баробарга ўсди. Вилоятдаги рўйхатга олинган 15345 та корхонадан 14857 таси кичик корхона ва микрофирмалардир. Хорижий инвестиция иштирокида 48 та қўшма корхона ташкил этилган. Уларнинг вилоят ялпи ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда.

Вилоят иқтисодиётининг асосий қисмини аграр сектор ташкил этади. Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полизчилик, паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Мустақиллик даврида асосий эътибор фермер хўжаликларини ташкил этишга қаратилганлиги муносабати билан вилоятдаги мавжуд 100 дан ортиқ хўжалик тўлиқ фермер хўжаликларга айлантирилиб, бугунги кунда 8365 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши натижасида пилла, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишига эришилмоқда. 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларидан сабзавот 32926 тонна (121,3%), картошка 14177 тонна (109,6%), полиз 12700 тонна (112,8%), мева 2800 тонна (144,4%), гўшт 20908 тонна (107,0%), сут 91841 тонна (106,8%), тухум 25083 минг дона етиштирилиб (109,9%), аҳолига ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Бу давр ичида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш борасида вилоятда 1408 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилди. Бу белгиланган прогнозга нисбатан 14,8 фоизга кўп бўлиб улар томонидан 111,6 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш бўйича 2010 йил биринчи ярмида йирик шохли қора-моллар учун 74 та кам таъминланган оилаларга 115,9 млн сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шунингдек кам таъминланган кўп болали оилаларга 264 бош бепул қора-мол берилиб, уларнинг қўшимча даромад олишига ва турмуш даражасини яхшиланишига шароит яратилди.

Мустақиллик йилларида вилоятда қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳудудидан ўтган «Тошкент-Термиз» Катта Ўзбек Тракти жаҳон андозалари талабларига мос равишда қайта таъмирланди. Мустақиллик бош майдонининг реконструкцияси, Хотира майдони, Марказий ва тижорат банк биноси, Биржа ва Бизнес маркази, Шарқ меъморчилиқ андозаларига мос равишда қурилган «Маънавият ва маърифат» маркази, академик лицейлар, «Кемпинг» типидagi мажмуалар, супермаркетлар, кўп қаватли турар-жой бинолари, «Соғломлаштириш маркази», «Алпомиш» спорт саройи, Бокс саройи, Сузиш ҳавзаси, «Делфин» синхрон сузиш ҳавзаси ва бир қанча спорт комплекслари, касб-ҳунар коллежлари истироҳат боғлари, мустақиллик муносабати билан кўплаб маҳалла гузарлари ҳамда барча шаҳар ва туман марказларидаги деҳқон бозорларининг қайтадан қурилиши шаҳар ва туман марказларининг кўркам бўлишига замин яратди.

2006 йилда Гулистон шаҳрида янги замонавий темир йўл вокзали ишга туширилди. 2009 йилда Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан вилоятдаги барча катта йўллар, спорт майдончалари ва ўйингоҳлар таъмирланди, катта ободончилик ишлари бажарилди. “Алпомиш” спорт

комплекси тўлиқ таъмирланди, 4-ТИП спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Марказий ўйингоҳ замон талаби асосида кенгайтирилди.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида 305 та мактаб, 4 та академик лицей, 34 та касб-ҳунар коллежлари ва Гулистон давлат университети фаолият кўрсатмоқда, уларда 173996 нафар ўқувчи ва талабалар таҳсил олмоқда, беш мингдан ортиқ ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда.

Қишлоқ жойларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури бўйича 283 та аҳоли пунктлари ичимлик суви билан 90,8 % га, табиий газ билан 84,1 % га таъминланди.

Вилоятда ташқи иқтисодий фаолият йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга катта эътибор қаратилди. Экспорт маҳсулотларининг асосий қисмини пахта толаси ташкил этади. Бугунги кунга келиб вилоятда 48 та чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 28 таси фаолият кўрсатмоқда. Вилоят жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг салмоғи 8,2 фоизга, маҳсулот экспортида 5,8 фоиз ва маҳсулот импортида 38, 6 фоизга тўғри келмоқда.

Ижтимоий соҳада асосий эътибор аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга бюджетдан ажратилган маблағ йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг ижроси бўйича катта ишлар амалга оширилди. Мустақиллик даврида 145 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Улар Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳисобига қарийб 4,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги энг замонавий тиббий жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланди. Вилоят шифохонасининг негизида 200 ўринли аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилди. Гулистон шаҳрида 100 ўринли ташҳис бўлими, шунингдек, 250 ўринли поликлиникага эга бўлган «Соғломлаштириш маркази» фойдаланишга топширилиб, Финляндиянинг «Медико-Медикал» фирмасининг қарийб 3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий жиҳозлари билан таъминланди. 120 ўринли вилоят болалар шифохонаси, “Она ва бола скрининг маркази” фойдаланишга топширилди.

Спорт соҳасида вилоят спортчилари катта ютуқларга эришмоқдалар. Бугунги кунда вилоятимизда спортчиларга ва аҳолига 11 та сузиш ҳавзаси, 12

та ўйингоҳлар, жами 1476 спорт иншоотлари ва майдонлари хизмат кўрсатмоқда. Мустақилликнинг ўтган 19 йили давомида вилоят спортчилари Олимпиада ўйинлари, жаҳон, қитъа, халқаро ва республика мусобақаларида юқори савияда қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашган. Ҳар 4 йилда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида, шу жумладан 1996 йилда 2 нафар, 2000 йилда 2 нафар ва 2004 йилда Афина шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда 4 нафар спортчимиз иштирок етди. 2009 йил август ойигача 42 нафари жаҳон чемпионатида, 6 нафари Осиё ўйинларида, 60 нафардан ортиғи, Осиё чемпионатида, 130 нафари халқаро турнирларда ҳамда 1300 нафардан ортиғи республика мусобақаларида ғолиб бўлишган ва совриндорлар сафидан жой олишган.

2010 йилда Андижон шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган “Универсиада – 2010” спорт мусобақаларида Сирдарё вилояти жамоаси фахрий саккизинчи ўринни олди ва 1 та олтин, 4 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритди.

Сирдарё вилоятида вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан рўйхатга олинган 31 та газета, 1 та журнал, 2 та телевидение фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси, «Ўзбекракс» вилоят бўлимлари, «Сирдарё наволари» дастаси, вилоят халқ ижодиёти ва маънавият-тарғибот маркази, «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи» музейи, Бадий Академиянинг вилоят бўлими, 105 та клуб муассасалари, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари халқимизга хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 2 та музей, 163 та кутубхона – АРМ, 1152 та спорт майдони, 16 та видеосалонлар, 18 та компьютер марказлари, 43 та маданият саройлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Сирдарё вилояти Мустақиллик шарофати туфайли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб, халқ фаровонлиги юксалиб, йилдан-йилга гуллаб-яшнаб бормоқда.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-§. Сирдарё вилояти тарихининг манбаларда акс этиши ва худуддаги қадимги. шаҳарсозликнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихи.....	4
2-§. Сирдарё Буюк Ипак йўли чорраҳасида.....	7
3-§. Сирдарё вилоятидаги аҳолининг этник тарихи ва демографияси..	8
4-§. Мирзачўлда рус қишлоқларининг вужудга келиши ва аҳоли демографияси	12
5-§. XX аср бошларида Мирзачўлнинг суғорилиши.....	21
6-§. Сирдарё вилоятидаги айрим жой номлари.....	25
7-§. Яна тарихга назар... ёки Мунтасир ким бўлган?.....	33
Хулоса.....	37